Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 105 (20. 672) • 1990 йил 8 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

БАЙРАМИНГ МУБОРАК, «ПРАВДА»!

«Правда» одамлар томон бурилиб, яқинда улар учун байрам уюштирди. Айни шу «байрам» сўзи партия бош газетасининг 5 май, Матбуот куни Москвада СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган фестивалининг руҳига мос келади.

Қуёш чарақлаб турибди, майсалар кўм-кўк, гуллар очилган, фавворалар сув сачратмоқда. Музика янграмоқда — буларнинг ҳаммаси байрам муҳитини вужудга келтиради. Лекин ҳар қандай байрамда ҳам энг муҳими — одамлар мулоқатининг қувончидир. «Правда» фестивалига келган одамлар ҳам ўзаро, ҳам хоҳлаган кишиларнинг барчасини кўргазма павильонларида очилган баҳс клубларига, қизиқарли учрашувлар клубларига таклиф қилган правдачилар билан мулоқотда бўлиш, ўзларини ҳаяжонга солаётган муаммоларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Лекин фестиваль дастлабки кунининг бошланишида Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг қиёбонлари энг гавжум «клуб»га айланди. Одамлар бу ерда биринчи рақамли сиёсий суҳбатдошга — Михаил Сергеевич Горбачевга дуч келдилар. Ҳа, СССР Президенти, КПСС. Марказий Комитетининг Бош секретари «Правда» фестивалига келиб, асосий вақтини одамлар билан учрашишга ва улар билан суҳбатлашишга бағишлади.

Қайта қуриш, унинг мураккаблиги, муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари—суҳбатнинг асосий мавзуси бўлди. Биз ҳозир ҳал қилувчи даврга етиб келдик, дейди Михаил Сергеевич, қабул қилинган қонунлар негизида иқтисодиётда кескин бурилиш қилинади. Яқинда партиямизнинг съезди бўлади, унда партиямиз ўзининг қандайлигини, янгиланаётган жамиятдаги ўзининг ўрни ва роли қандайлигини қатъий айтиши зарур. Янгиланган совет федерацияси қурилиш учун шарт-шароит яратилмоқда, бу эса тўпланиб қолган кўпгина муаммоларни бартараф этиши керак. Советлар ўзларига тоширилган ҳокимиятдан фойдаланиб, тўла куч билан ишлай бошлаши лозим.

Бунга жавобан: «Сизга муваффаққият тилаймиз!» деган хитоблар кўп марта эшитилди, М. С. Горбачев эса такрорлар эди: менга эмас, бу тилак ҳаммамизга. Режалаштирилган ишларни биргалашиб амалга оширишимиз керак. Афсуски, кўп одамлар тайёрга айёрликка, юқоридан кўрсатма берилишига ўрганиб қолишган. Биз эса ҳозир одамлар мамлакатда ўзларини чинакам хўжайин деб ҳис этадиган шароитни яратишга ҳаракат қиляпмиз.

Михаил Сергеевичнинг суҳбатдошлари Биринчи Май намойишидаги экстремистик хуруждан ғазабланганликларини айтдилар. Улар ана шу хурружларни қайта қуришга қарши қаратилган иғвогарлик деб баҳоладилар.

Агар ўша одамлар ҳуштак чалиб ва оёқларини дўпирлатиб шу билан қайта қуришга қарор қилган бўлсалар, бу хавфли йўлдир, М. С. Горбачев ўз фикрини ана шундай ифодалади. Биз ўта ўнглар билан ҳам, ўта сўллар билан ҳам бир йўлдан бора олмаймиз.

Давлат ва партия бошлиғидан бир йигит унинг комсомолга муносабати қандайлигини сўради.

— Партия ўз ёнида ёш коммунистик ташкилот бўлишига муҳтождир, акс ҳолда партия қуриб қолади — деб жавоб қайтарилди.

Суҳбат давомида Михаил Сергеевич тўпланганлар орасида сочлари оқарган, кўкракларига қатор орден планкалари таққан ветеранларни кўриб, уларнинг олдига бир неча марта бориб, қўл бериб кўришди, самимий сўзларни айтди. Бундай ҳолларда гап яқинда 45 йиллигини биз муносиб нишонламоқчи бўлаётган совет халқининг Буюк Ғалабаси хотираси ҳаммамиз учун қадрли эканлиги ҳақида борарди.

Михаил Сергеевич бир гуруҳдан иккинчи гуруҳ олдига борар, ҳамма жойда кайфият бир хил эди — халқ орқага қайтмайди, барча муаммоларни ҳал этишни олдиндан қидириш керак.

М. С. Горбачев Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган «Правда» тарихи музейи экспозициясини бориб кўрди.

«Правда» — бизнинг бош газетамиз. Ҳамма ҳам унга қўшилмайди, албатта, лекин ҳамма юксак талаблар қўймоқда. Бу ҳам тушунарли: чунки газетага Ленин асос солган, деди Михаил Сергеевич экспозицияни кўздан кечириб бўлгач. Мен редакцияга бориб, коллектив билан учрашганимда «Правда»ни тағин ҳам демократик газетага айлантириш лозимлиги ҳақида гапирдим. Газета худди шундай бўлаётганидан жуда хурсандман. Лекин «Правда» фақат ҳақиқатни ёзиши керак, албатта. Нуқсонларни яширмай, танқид қилиб, лекин ҳамиша ҳақиқатни ёзиши керак.

Ҳозир бутун мамлакатда газета дўстлари клублари тузилаётганлиги, сизлар биринчи фестивалингизни ўтказаётганингиз мени жуда қувонтирмоқда. «Правда» тобора чинакам халқ газетасига айланяпти. Ҳозиргина одамлар билан суҳбатлашдим. Улардан: сизлар шунчаки дам олгани келдиларингизми, деб сўрадим. Улар эса: «Йўқ, биз «Правда» газетхонларимиз, унинг обуначиларимиз, редакция коллективи билан учрашиш учун келдик. Бу бизнинг газетамиз», деб жавоб қилишди.

Мен ҳам, бу менинг газетам, дея оламан. Ўз вақтида Хитойдаги воқеаларни, фин уруши воқеаларини шу газетадан ўқиб билганман. Оиламиз ҳамиша «Правда»га ёзиларди ва отам фронтга кетгандан кейин ҳам онам билан биз аввалгидек шу газетага ёзилардик. Хуллас, мен «Правда»ни 50 йилдан буён ўқийман.

Бугунги фестиваль газетанинг ўз ўқувчилари билан алоқаларини мустаҳкамлашга яхши хизмат қилади, фестивалдан сўнг «Правда» кенг газетхонлар оммаси учун тағин ҳам тушунарли бўлиб қолади, деб ўйлайман. «Правда»га чин қалбимдан муваффақият тилайман. Бундай янгиланган «Правда»нинг келажаги яхши бўлиши лозим.

Газетхонлар ва журналистлар байрами, хилма-хил программаларга бой байрам кун бўйи давом этди. «Правда»нинг бош муҳаррири, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. Т. Фролов фестивални очар экан, унинг сиёсий йўналишини таъкидлаб, газета айни вақтда одамларни яхши дам олишга таклиф қилганлигини айтди.

Фестивалда В. И. Воротников, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, А. Н. Яковлев, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, А. Н. Гиренко, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов иштирок этдилар.

Жаҳондаги турли мамлакатлардан келган газеталарнинг вакиллари «Правда» байрамининг меҳмони бўлдилар.

* * *

6 май куни метронинг «ВДНХ» станцияси тиғиз ишлади. Иккита эскалатор мамлакатимиздаги энг кекса газеталардан бири фестивалининг иккинчи кунида унда меҳмон бўлишни хоҳлаган кишиларнинг кети узилмаган оқимини юқорига олиб чиқишга улгурмасди.

Бироқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига транспорт қийинчиликларига қарамай келган минглаб кишилар юз карра хурсанд бўлдилар: «Правда» байрами меҳмонларни метродан чиқаверишда-ёқ кутар эди. Мовий осмонда газета рамзи билан безатилган кумуш ранг — кўкиш дирижабль сузиб юрибди. Сотувчилар ўз маҳсулотларини кўз-кўз қилишмоқда. Таниш бўлиб қолган Америка фильмлари қаҳрамонлари тасвири ёнида фестиваль эмблемаси туширилган нишонлар кўзга ташланиб турибди.

Кўргазма территорияси бугун айниқса гавжум бўлди. Ҳамма жойда байрам муҳити сезилиб турибди: юзлаб ранго-ранг пуфаклар, чиройли плакатлар ва транспарантлар, музика, қўшиқ ва рақслар.

СССР Ички ишлар министрлигининг, ҳуқуқ-тартибот ҳамда жиноятчиликка қарши кураш масалалари билан шуғулланувчи вакиллари билан учрашув фестиваль қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. СССР Қуролли Кучларининг аскарлари ва офицерлари ўз маҳоратларини намойиш қилган махсус майдон ҳам одамлар билан гавжум эди.

Навбатдаги бундай байрамдан ашаддий танқидчилар ҳам нуқсон топа олмайдилар, деб умид қиламиз!

(ТАСС).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ НОГИРОНЛАРИГА, ҚАТНАШЧИЛАРИГА, БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАРГА ВА ҲАЛОК БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИГА СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАСИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида ҳамда совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигини нишонлаш учун:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, республика территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар 1990 йилда Улуғ Ватан уруши ногиронларини ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини уй-жой билан таъминласинлар, 1991 йилда эса Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини ҳамда уларга тенглаштирилган 1990 йил 1 январгача ҳисобга олинган кишиларни уй-жой билан таъминласинлар.

1990 йил 1 июлидан бошлаб Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари квартира ҳақи тўлашдан озод қилинсин. Улуғ Ватан уруши ногиронлари учун кўзда тутилган имтиёзлар барча уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларнинг коммунал хизмат (сув, газ, электр ва иссиқлик энергия таъминоти) ҳақини тўлашга, марказий иситиш системасига уланмаган уйларда яшовчилар учун аҳолига сотиш учун белгилаб қўйилган норма доирасида харид қилинадиган ёқилғи ҳақига жорий этилсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар:

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳозирги вақтда яшаётган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб топширсинлар.

1990 йил давомида Улуғ Ватан уруши ногиронларининг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг, 1991 йилда эса барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларнинг уй-жой-маиший шароитини халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар, совхозларнинг маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан уй-жой қуриш ва ремонт қилиш йўли билан яхшиланиши таъминлансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1990 йилда:

1990 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлиги системасидаги уруш ветеранлари учун санаторийлар, пансионатлар, стационарларда овқатланишга, дори-дармонларга ва юмшоқ жиҳозларга харажатлар нормасини Улуғ Ватан уруши ногиронлари госпиталлари учун кўзда тутилган нормаларга тенглаштирсин;

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга шахсий фойдаланиш учун сотишга бозор фондидан 1750 та енгил автомашина ажратсин;

Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлигига биринчи группа ногиронларига коляскалар сотиб олиш учун 100 минг сўм миқдорида чет эл валютаси ажратсин.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари 1990-1991 йилларда 1990 йил 1 январигача ҳисобга олинган барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, байналмилалчи жангчиларнинг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг квартиралари телефонлаштирилишини таъминласинлар.

Министрликлар ва идораларга марказлаштирилган моддий рағбатлантириш фонди маблағидан, корхоналар ва ташкилотларга — моддий рағбатлантириш (меҳнатга ҳақ тўлаш ягона фонди) фондлари маблағларидан, ноишлаб чиқариш соҳасидаги муассасаларга эса смета харажатларини тежаш ҳисобидан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини шу йилнинг май ойидан кечиктирмай қиймати 100 сўмгача турадиган эсдалик совғалар билан мукофотлашга рухсат этилсин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган ишламаётган пенсионерлар учун ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағ ҳисобидан совға сотиб олсинлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети социалистик Ватанни ҳимоя қилишда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уч даража Шуҳрат орденлари билан мукофотланган жангчиларнинг алоҳида хизматларини ҳисобга олиб, уларнинг уй-жой шароитларини, тиббий, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этишнинг 1990 йилга белгиланган тадбирларини биринчи навбатда бажаришни таъминласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

МИСР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СССРГА ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг таклифига биноан, Миср Араб Республикасининг Президенти Ҳусни Муборак май ойининг ўрталарида Совет Иттифоқига расмий дўстона ташриф билан келади.

(ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССР ГРАЖДАНЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ГРАЖДАНЛАРДАН ВА ГРАЖДАНЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Солиқ тўловчилар

СССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган ва эга бўлмаган СССР гражданлари, ажнабий гражданлар ва гражданлиги бўлмаган шахслар (қуйида «гражданлар» деб аталади) СССРда даромад солиғи тўловчилардир.

Солиқ солиш мақсадида СССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган деб қараладиган гражданлар жумласига календарь йилда 183 кундан кўпроқ вақт СССРда турган гражданлар кирадилар.

2-модда. Солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар

1. СССР территориясида, денгизларнинг соҳила яқин саёз жойларида ва СССРнинг иқтисодий зонасида ҳам, шунингдек СССР ташқарисида ҳам пул ёки натура тарзида олинган даромадлар СССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган гражданларга солиқ солиш объектидир.

СССРда доимий истиқомат жойига эга бўлмаган гражданларнинг даромадлари СССРдаги манбалардан олинган бўлса, бу даромадларга солиқ солиниши лозим.

2. Чет эл валютасида олинган даромадлардан тўловчининг истагига мувофиқ сўм тарзида ёки СССР давлат банки харид қиладиган чет эл валютасида солиқ тўланади. Бунда чет эл валютасидаги даромадлар СССР давлат банки солиқ ҳисоблаб чиқариладиган кунга белгилайдиган расмий пул қадри бўйича сўмга айлантириб ҳисобланади.

3-модда. Солиқ солинмайдиган даромадлар

1. Солиқ солинадиган даромадга қуйидагилар киритилмайди:

а) вақтинча меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлганлик юзасидан бериладиган нафақалар (шу жумладан, бемор болани боқиш юзасидан бериладиган нафақалар)дан ташқари давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти юзасидан бериладиган нафақалар, шунингдек гражданларга В. И. Ленин номидаги Совет Болалар фонди, Совет Тинчлик фонди, Совет Маданият фонди, Совет Меҳр-мурувват ва Сиҳат-саломатлик фонди, СССР Қизил крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари уюшмаси ҳамда экология фондларининг маблағларидан пул ва натура тарзида бериладиган нафақалар ва бошқа турдаги ёрдам;

б) алиментлар;

в) олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари томонидан ўз студентлари ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек ушбу модданинг «а» кичик бандида кўрсатилган фондларнинг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;

г) ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари бажарган иш учун мазкур билим юртлари ўқувчиларга берадиган тўловлар;

д) давлат пенсиялари, шунингдек пенсияларни ихтиёрий суғурта қилиш шартлари асосида тўланадиган қўшимча пенсиялар;

е) гражданлар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган пул, шунингдек медицина муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган пул;

ж) олтин қазиб олиш билан шуғулланувчи қидирувчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлар учун қидирувчилар артелларининг аъзолари оладиган даромадлар;

з) майиб бўлиш ёки бошқа тарзда саломатлиги шикастланиши оқибатида меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлганида, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлиши муносабати билан тавон тарзида олинадиган пул;

и) гражданларни чет элга ишга юбориш муносабати билан уларнинг Совет давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан оладиган иш ҳақи ва чет эл валютасидаги бошқа пуллар;

к) гражданларнинг мулкчилик ҳуқуқи асосида ўзларига тегишли бўлган мол-мулкни сотиши натижасида олинган пул (сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бошқа мол-мулкни сотишдан тушган даромадлар бундан мустаснодир);

л) гражданларнинг шахсий ёрдамчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан, шу жумладан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида ёш молларни ва паррандани боқиб семиритиришдан олган даромадлари;

м) мерос қилиб қолдириш ва совға қилиш натижасида олинган пул, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи тарзидаги пул бундан мустаснодир;

н) СССР давлат заёмларининг облигацияларига ва лотереялар юзасидан чиқадиган ютуқлар;

о) СССР давлат банклари муассасаларидаги омонатлар бўйича ва СССР давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

п) гражданларнинг мажбурий ва ихтиёрий суғурта юзасидан оладиган пули;

р) рационализаторлик таклифлари учун мукофот пули;

с) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан йилига 200 сўмгача (200 сўм ҳам шу ҳисобга киради) миқдорида олинган совғалар (буюм тарзидаги мукофотлар) қиймати, шунингдек халқаро, Бутуниттифоқ ва республика конкурслари ҳамда мусобақаларида буюм тарзида олинган совғалар қиймати;

т) табиий офатлар, бошқа фавқулодда вазиятлар муносабати билан, шунингдек СССР Министрлар Советининг ёки иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг қарорлари асосида ёрдам берилган тақдирда, тўланадиган пулнинг миқдоридан қатъи назар, бериладиган моддий ёрдам пули; ушбу модданинг «а» кичик бандида кўрсатилгандан ташқари бошқа ҳолларда берилган моддий ёрдам — йилига 500 сўмгача бўлган тақдирда (500 сўм ҳам шу жумлага киради);

у) корхонанинг акциялари юзасидан олинган ва шу корхонанинг ўз акцияларини сотиб олишга ишлатилган даромадлар.

2. Солиқ солинадиган даромад:

а) гражданларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан олиши лозим бўлган ва уларнинг аризаларига мувофиқ В. И. Ленин номидаги Совет Болалар фонди, Совет Тинчлик фонди, Совет Маданият фонди, Совет Меҳр-мурувват ва Сиҳат-саломатлик фонди, СССР Қизил крести ва Қизил Ярим ой жамиятлари уюшмаси, Экология фондларининг Иттифоқ, республика, регион ва маҳаллий бўлимларига, шунингдек бюджетдан қисман ёки тўла-тўкис пул билан таъминланадиган маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот корхоналарига, муассасаларига ва ташкилотларига ўтказиладиган пул миқдорига;

б) гражданларнинг солиқ идоралари томонидан солиқ солиниши лозим бўлган даромадларидан ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган мақсадларга берган бадаллари миқдорига тегишли календарь йил учун солиқ солиш пайтида ҳисобга олинадиган даромаддан ошмайдиган ҳажмда камайтирилади;

4-модда. Солиқ юзасидан имтиёзлар

1. Қуйидагилар солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинади:

а) асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида солиқ солинадиган ва ойига 100 сўмдан ошмайдиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул мукофоти оладиган ишчилар, хизматчилар ва солиқ солиш юзасидан уларга тенглаштирилган гражданлар;

б) фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиролар, кашфиётлар ва саноат нусхаларини яратганлик, нашр қилганлик, ижро этганлик ёки бошқача тарзда фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи ишчи ва хизматчиларнинг солиқ солинмайдиган ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган гражданлар, мазкур гражданларнинг асосий иш жойи бўлмаган тақдирда;

в) якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг, жумладан меҳнат ёки деҳқон хўжалигининг барча турларидан олинадиган даромадлари ишчи ва хизматчиларнинг солиқ солинмайдиган ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган гражданлар, мазкур гражданларнинг асосий иш жойи бўлмаган тақдирда;

г) деҳқон хўжалиги ташкил этилган йилдан бошлаб икки йил давомида шу хўжаликларнинг аъзолари, — мазкур хўжаликларнинг оладиган даромадлари юзасидан;

д) ушбу Қонуннинг 24-моддасида кўрсатилган ва йилига 300 сўмдан ошмайдиган даромадлар юзасидан — барча гражданлар;

е) колхозларнинг аъзолари ўзлари аъзо бўлган колхозлардаги ишдан оладиган даромадлари юзасидан — колхозларнинг аъзолари;

ж) хизмат жойидан ёки ўқув ёхуд текширув машқларида бўлган вақт учун оладиган маош, суткалик пул ва бошқа маблағлар юзасидан муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва ўқув ёки текширув машқларига чақирилган ҳарбий хизмат ёшидаги кишилар;

з) оладиган барча даромадлари юзасидан — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Шуҳрат орденларининг учала даражаси билан мукофотланган кишилар, Улуғ Ватан урушининг ногиронлари ёки СССРни ҳимоя қилиш чоғида ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа хил вазифаларини бажариш чоғида жароҳатланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш натижасида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ногирон бўлиб қолган, шунингдек пенсия таъминоти жиҳатидан ҳарбий хизматчиларнинг мазкур категорияларига тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

и) оладиган барча даромадлари юзасидан — Граждан уруши ва Улуғ Ватан уруши, СССРни ҳимоя қилишга оид бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари бўлган ва ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда собиқ партизанлар;

к) оладиган барча даромадлари юзасидан — ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий хизматчилари таркибидан хизмат вазифасини бажариш чоғида яралар бўлганлик, контузия олганлик ёки жароҳатланганлик туфайли ногирон бўлиб қолган кишилар;

л) оладиган барча даромадлари юзасидан болаликдан ногиронлар, шунингдек кўриш қобилияти жиҳатидан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

м) оладиган барча даромадлари юзасидан — Қаҳрамон оналар;

н) оладиган барча даромадлари юзасидан — Ленинград шаҳрида Улуғ Ватан урушн йилларида 1941 йилнинг 8 сентябридан 1944 йилнинг 27 январигача шаҳар қамал қилинган даврда ишлаган гражданлар;

о) якка тартибдаги меҳнат фаолияти даромадлари юзасидан — 60 ёшга тўлган эркаклар ва 55 ёшга тўлган аёллар, мазкур гражданларнинг хўжаликлари қишлоқ хўжалиги солиғини тўлашдан озод бўлган тақдирда.

2) Солиқ миқдори қуйидагиларга камайтирилади:

а) ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган ногиронлардан ташқари 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари, — улар оладиган барча даромадларидан олинадиган солиқнинг 50 фоизи;

б) муддатдан ташқари хизматда бўлган офицерлар таркибидаги кишилар, прапорщиклар, мичманлар ва ҳарбий хизматчиларга, шунингдек ички ишлар органларининг оддий хизматчи ва бошлиқлари таркибидаги кишилар,— СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартиб ва миқдорда маошидан;

в) СССРни ҳимоя қилиш чоғида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини ижро этиш чоғида яралар бўлганлик, контузия олганлик ёки жароҳатланганлик натижасида ёхуд фронтда бўлганлик билан боғлиқ касалликлар натижасида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари, — улар оладиган барча даромадлардан олинадиган солиқнинг 50 фоизи;

г) вақтинча Афғонистон Республикасида бўлган совет қўшинларининг чекланган қисми таркибида хизматни ўтаган ҳарбий хизмат ёшидаги ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва текширув машқларига чақирилган ҳарбий хизматчилар, — улар оладиган иш ҳақи, пул ва уларга тенглаштирилган даромадлардан олинадиган солиқнинг 50 фоизи;

д) қарамоғида 3 ва ундан ортиқ киши бўлган ишчилар, хизматчилар ва солиқ солиш жиҳатидан уларга тенглаштирилган гражданлар, — улар асосий иш жойидан оладиган даромадлардан олинадиган солиқнинг 30 фоизи;

е) ушбу Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган ва қарамоғида 3 ва ундан кўпроқ киши бўлган солиқ тўловчилар (мерос олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ва меросхўрлардан ташқари), — фан адабиёт ва санъат асарлари, кашфиётлар, ихтиролар ва саноат нусхаларини яратганлик, нашр қилганлик, ижро этганлик ёки бошқа тарзда фойдаланганлик учун мукофотлардан олинадиган солиқнинг 30 фоизи, муаллифнинг асосий иш жойи бўлмаган тақдирда;

ж) якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган гражданлар, жумладан меҳнат ва деҳқон хўжаликларининг қарамоғида уч ва ундан ортиқ киши бўлган аъзолари асосий иш жойи бўлмаган тақдирда, ана шу фаолиятдан оладиган даромадларидан олинадиган солиқнинг 30 фоизи;

з) 16 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болали ёлғиз аёллар, — улар оладиган барча даромадлардан олинадиган солиқнинг 30 фоизи;

и) 16 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болали ҳамда боқувчисидан маҳрум бўлганлиги учун пенсия олмаётган аёл ва эркак бевалар, — улар оладиган даромадлардан олинадиган солиқнинг 30 фоизи;

к) болаликдан ногирон бўлиб қолган ва доимий парваришни талаб қиладиган онла аъзосини тарбияловчи ота-онадан бири, — у оладиган барча даромадлардан олинадиган солиқнинг 30 фоизи;

3) Граждан бир неча асосга кўра солиқ юзасидан имтиёзлар ҳуқуқига эга бўлса, унга ана шу имтиёзларнинг энг кўп миқдорлигидан бири берилади.

4) Халқ депутатлари ўлка, область Советлари, автоном областлар ва автоном округлар, район, шаҳар, шаҳарлардаги район халқ депутатлари Советлари, халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари айрим солиқ тўловчиларнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, уларни даромад солиғидан озод қилиш, шунингдек айрим солиқ тўловчилар учун солиқ миқдорини камайтириш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Гражданларнинг Қонуннинг ушбу моддасида санаб ўтилган имтиёзларга бўлган ҳуқуқи СССР Молия министрлиги белгилаб берадиган ҳужжатларда белгиланган тартибда тасдиқланади.

Гражданларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тегишли ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб юзага келади.

5-модда. Икки ёқлама солиқ солишни бекор қилиш

(Давоми иккинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССР ГРАЖДАНЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ГРАЖДАНЛАРДАН ВА ГРАЖДАНЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

СССРда доимий истиқомат жойи бўлган кишилар чет элда оладиган даромадлар СССРда солиқ солинадиган даромадларга киритилади.

СССРда доимий истиқомат жойи бўлган кишилар — СССРдаги даромад солиғини тўловчилар чет давлатлар қонунларига мувофиқ хорижда тўлаган даромад солиқлари улар СССРда даромад солиғини тўлаш пайтида ҳисобга олинади. Бунда чет элда тўланган солиқларнинг миқдори СССРда тўланадиган солиқ миқдоридан ошмаслиги лозим.

6-модда. Халқаро шартномалар

Агар СССРнинг халқаро шартномасида солиқ солишга оид совет қонунида кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидаси қўлланилади.

II БОБ. ГРАЖДАНЛАР МЕҲНАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРГАНЛИГИ УЧУН ОЛАДИГАН ИШ ҲАҚИ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ДАРОМАДЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ

7-модда. Солиқ тўловчилар тоифалари ва солиқ солинадиган объектлар

Қонуннинг ушбу боби қоидаларига мувофиқ қуйидагилар солиқ тўлашга жалб этилади:

а) ишчилар ва хизматчилар — улар меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ иш ҳақи миқдори, мукофотлар ҳамда бошқа ҳар қандай мукофотлар ва тўловлардан, шунингдек меҳнат колективлари акциялари ва корхона, муассаса, ташкилот олган фойда (даромад)ни тақсимлаш натижасида олинадиган бошқа даромадлардан тушадиган фойда миқдори юзасидан;

б) солиқ тўловчиларнинг солиқ солиш юзасидан ишчи ва хизматчиларга тенглаштирилган категориялари: ишлаб чиқариш кооперативлари (колхозлардан ташқари)нинг аъзолари ва уларда меҳнат шартномалари асосида ишлаётган ишчилар; — ана шу кооперативлар тўлайдиган даромадлар юзасидан;

СССР территориясида совет ва чет эл ташкилотлари, фирмалари ва бошқарув органлари иштирокида ташкил этиладиган қўшма корхоналарда, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларда, чет эл фирмалари, банклари ва уларнинг ваколатхоналарида ишлайдиган гражданлар, — улар меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа хил мукофот ва тўловлар миқдори юзасидан;

офицерлар таркибидаги кишилар, прапоршчиклар, мичманлар ва муддатидан ташқари хизматда бўлган ҳарбий хизматчилар — пул тўловлари юзасидан;

адвокатлар — ҳуқуқий маслаҳатхоналардаги иши учун улар оладиган мукофотлар миқдори юзасидан;

в) илгари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаган гражданлар, —ана шу корхоналар, муассасалар, ташкилотлар олган фойда (даромад)ни тақсимлаш натижасида улар оладиган пул юзасидан.

8-модда. Солиқ ставкалари

1. Ушбу Қонуннинг 7-моддасида санаб ўтилган даромадлардан қуйидаги миқдорда солиқ ундирилади:

Ойлик даромад миқдори	солиқ миқдори	Ойлик даромад миқдори	солиқ миқдори
1		2	
101 сўм	0 сўм 29 тийин	126 сўм	7 сўм 54 тийин
102 сўм	0 сўм 58 тийин	127 сўм	7 сўм 83 тийин
103 сўм	0 сўм 87 тийин	128 сўм	8 сўм 12 тийин
104 сўм	1 сўм 16 тийин	129 сўм	8 сўм 41 тийин
105 сўм	1 сўм 45 тийин	130 сўм	8 сўм 70 тийин
106 сўм	1 сўм 74 тийин	131 сўм	9 сўм 00 тийин
107 сўм	2 сўм 03 тийин	132 сўм	9 сўм 30 тийин
108 сўм	2 сўм 32 тийин	133 сўм	9 сўм 60 тийин
109 сўм	2 сўм 61 тийин	134 сўм	9 сўм 90 тийин
110 сўм	2 сўм 90 тийин	135 сўм	10 сўм 20 тийин
111 сўм	3 сўм 19 тийин	136 сўм	10 сўм 50 тийин
112 сўм	3 сўм 48 тийин	137 сўм	10 сўм 80 тийин
113 сўм	3 сўм 77 тийин	138 сўм	11 сўм 10 тийин
114 сўм	4 сўм 06 тийин	139 сўм	11 сўм 40 тийин
115 сўм	4 сўм 35 тийин	140 сўм	11 сўм 70 тийин
116 сўм	4 сўм 64 тийин	141 сўм	12 сўм 00 тийин
117 сўм	4 сўм 93 тийин	142 сўм	12 сўм 30 тийин
118 сўм	5 сўм 22 тийин	143 сўм	12 сўм 60 тийин
119 сўм	5 сўм 51 тийин	144 сўм	12 сўм 90 тийин
120 сўм	5 сўм 80 тийин	145 сўм	13 сўм 20 тийин
121 сўм	6 сўм 09 тийин	146 сўм	13 сўм 50 тийин
122 сўм	6 сўм 38 тийин	147 сўм	13 сўм 80 тийин
123 сўм	6 сўм 67 тийин	148 сўм	14 сўм 10 тийин
124 сўм	6 сўм 96 тийин	149 сўм	14 сўм 40 тийин
125 сўм	7 сўм 25 тийин	150 сўм	14 сўм 70 тийин

151 сўмдан 700 сўмгача	14 сўм 70 тийин плюс 150 сўмдан ортиқ миқдорнинг 13 фоизи
701 сўмдан 900 сўмгача	86 сўм 20 тийин плюс 700 сўмдан ортиқ миқдорнинг 15 фоизи
901 сўмдан 1100 сўмгача	116 сўм 20 тийин плюс 900 сўмдан ортиқ миқдорнинг 20 фоизи
1101 сўмдан 1300 сўмгача	156 сўм 20 тийин плюс 1100 сўмдан ортиқ миқдорнинг 30 фоизи
1301 сўмдан 1500 сўмгача	216 сўм 20 тийин плюс 1300 сўмдан ортиқ миқдорнинг 40 фоизи
1501 сўмдан 3000 сўмгача	296 сўм 20 тийин плюс 1500 сўмдан ортиқ миқдорнинг 50 фоизи
3001 сўмдан ва ундан кўп	1046 сўм 20 тийин плюс 3000 сўмдан ортиқ миқдорнинг 60 фоизи.

9-модда. Солиқ солинадиган ойлик даромад таркибига қўшилмайдиган пуллар

Қуйидагилар солиқ солинадиган ойлик даромад таркибига қўшилмайди:

а) амалдаги қонунларга мувофиқ ишдан бўшаш вақтида тўланадиган нафақалар;

б) СССРнинг амалдаги қонунларида кўзда тутилган нормалар доирасидаги компенсация тўловлари, ишдан бўшаш вақтида фойдаланилмаган отпуска учун бериладиган компенсация бундан мустаснодир;

в) бепул бериб қўйиладиган уй-жой бинолари ва коммунал хизматлар ўрнига амалдаги қонунларга мувофиқ тўланадиган пул;

г) СССР Министрлар Советининг тегишли қарорларида кўзда тутилган натура ҳолида бериладиган озиқ-овқат қиймати, шунингдек шу озиқ-овқат ўрнига тўланадиган пул.

10-модда. Иқлим шароитлари оғир жойлардаги иш учун тўловларга солиқ солиш миқдори

Узоқ Шимол районларидаги, шу районларга тенглаштирилган жойлардаги ва иқлим шароити оғир бўлган бошқа жойлардаги иш учун СССР қонунларида белгиланган коэффициентлар (район коэффициентлари, баланд тоғ, чўл ва сувсиз районлардаги иш учун) иш ҳақига қўшиб ёзиладиган ва тўланадиган пулдан ҳамда мазкур жойлардаги иш стажи учун қўшимча ҳақдан ставкага мувофиқ ўн уч фоиз солиқ ундириб олинади.

11-модда. Мавсум давомидаги ёки узоқ давом этадиган бошқа даврдаги иш натижалари юзасидан меҳнатга ҳақ тўлашда ойлик иш ҳақини аниқлаш тартиби

Меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ ойлик иш ҳақи тўла тўланмайдиган ёки умуман тўланмайдиган, мавсум ёки узоқ давом этадиган бошқа давр тугагандан кейин узил-кесил ҳисоб-китоб қилинадиган ҳолларда узил-кесил ҳисоб-китоб пайтида солиқ олиш мақсадларида қайси ойлардаги иш учун меҳнат ҳақи тўланаётган бўлса, иш ҳақи миқдори шу ойларнинг сонига тақсимланади.

Ишлар мавсумий тусда бўладиган тармоқларда ҳам мавсум ёки йил тугаганидан сўнг олинадиган мукофотлар солиқ солиш мақсадида худди шу тартибда тақсимланади.

12-модда. Корхона ва ташкилотлар тугатилган пайтда солиқ солинадиган даромадни белгилаш тартиби

Гражданларнинг тугатиладиган корхона ва ташкилотлардан оладиган жами даромадларига, шу жумладан шу корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки сотилиши муносабати билан гражданларга тўланадиган даромадлар миқдорига шу даромадлар тўланадиган ойдаги бошқа даромадлар (иш ҳақи) билан бирга қўшиб, ойларга тақсимламай солиқ солинади.

13-модда. Солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш тартиби

1. Иш ҳақларидан ҳамда пул ва натура тарзидаги бошқа даромадлардан Қонуннинг ушбу бобида кўзда тутилган даромад солиғи мазкур иш ҳақи ва бошқа даромадларни тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ҳисоблаб ёзилади ва ушлаб қолинади.

2. Асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан бошқа ерда ўриндошлик юзасидан қилинган иш учун олинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлар миқдоридан солиқ ушбу Қонуннинг III бобида кўзда тутилган ставкаларга мувофиқ ушлаб қолинади.

Асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан бошқа ерда ўриндошлик юзасидан қилинган иш учун тўланадиган пулнинг жами миқдори ва шу тўловлардан ушлаб қолинадиган солиқ миқдори ҳақида шу пулни тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар пул тўланганидан кейинги ойдан кечиктирмай даромад олувчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойига хабар қилиши лозим. Шундай маълумот олингач, асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерия тегишли ой учун асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан олган ва ўриндошлик юзасидан қилган иши учун умумий иш ҳақининг йиғиндисини ҳисобга олиб, ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўзда тутилган ставкаларга биноан солиқни қайтадан ҳисоблаб чиқиши керак.

Қайта ҳисоб-китоб натижаларига кўра граждандан қўшимча ҳисоблаб ёзилган солиқ ундириб олинади ёки ортиқча ушлаб қолинган пул унга қайтариб берилади.

3. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар банк муассасаларидан гражданларга тегишли пулни тўлаш учун маблағ олиш билан айни бир вақтда ҳисоблаб ёзилган солиқ миқдорини бюджетга ўтказадилар.

Маҳсулот сотишдан ва хизмат кўрсатишдан тушган пулдан иш ҳақи тўлайдиган ташкилотлар солиқнинг ҳисоблаб ёзилган миқдорини иш ҳақи тўланган куннинг эртасига банк муассасасига топширадилар.

4. Гражданларнинг маошларидан олинадиган солиқни корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан тўлаш тақиқланади.

III БОБ. АСОСИЙ ИШ ЖОЙИДАН БОШҚА ЕРДА БИР ГАЛЛИК ИШ БАЖАРИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРГА ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ

14-модда. Солиқ ставкалари

1. Қонуннинг ушбу боби қоидаларига мувофиқ:

а) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг штатларида турмайдиган гражданларнинг пудрат шартномаси асосида бажарилган бир галлик ва бошқа ишлар учун мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан пул ва натура тарзида олинган иш ҳақи ва бошқа даромадлардан (агар бу даромадлар мунтазам тусда бўлмаса);

б) корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлар ўзларида ишламайдиган гражданларга тўлайдиган моддий ёрдам, шу жумладан пенсияларга устама миқдоридан солиқ ундириб олиниши лозим.

2. Ушбу моддада кўрсатилган даромадлардан солиқ қуйидаги миқдорда ундирилади:

Ойлик даромад миқдори	солиқ миқдори
5 сўмдан 15 сўмгача	даромад миқдорининг 1,5 фоизи
16 сўмдан 20 сўмгача	0 сўм 22 тийин плюс 15 сўмдан ортиқ пулнинг 5,5 фоизи
21 сўмдан 30 сўмгача	о сўм 50 тийин плюс 20 сўмдан ортиқ пулнинг 6,0 фоизи
31 сўмдан 40 сўмгача	1 сўм 10 тийин плюс 30 сўмдан ортиқ пулнинг 7,0 фоизи
41 сўмдан 50 сўмгача	1 сўм 80 тийин плюс 40 сўмдан ортиқ пулнинг 8,0 фоизи
51 сўмдан 70 сўмгача	2 сўм 60 тийин плюс 50 сўмдан ортиқ пулнинг 10,0 фоизи
71 сўмдан 100 сўмгача	4 сўм 60 тийин плюс 70 сўмдан ортиқ пулнинг 12,0 фоизи
101 сўмдан 700 сўмгача	8 сўм 20 тийин плюс 100 сўмдан ортиқ пулнинг 13,0 фоизи
701 сўм ва ундан ортиқ	ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган ставкаларга мувофиқ

15- модда. Солиқ солиш тартиби

Бир галлик ишларни бажаришдан олинган даромадларга солиқ солиш ва асосий иш жойидан бошқа ердаги бошқа тўловларга солиқ солиш ушбу Қонуннинг II бобида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

IV БОБ. ФАН, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ЯРАТГАНЛИК, НАШР ҚИЛГАНЛИК, ИЖРО ЭТГАНЛИК ЁКИ УЛАРДАН БОШҚА ТАРЗДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН МУАЛЛИФГА ТУЛАНАДИГАН ҲАҚ, ШУНИНГДЕК ҚАШФИЁТЛАР, ИХТИРОЛАР ВА САНОАТ НУСХАЛАРИ МУАЛЛИФЛАРИГА ТУЛАНАДИГАН ҲАҚ МИҚДОРИГА СОЛИҚ СОЛИШ

16-модда. Солиқ тўловчиларнинг тоифалари ва солиқ солиш объектлари

Қонуннинг ушбу бобида кўзда тутилган тартибда ва миқдорда қуйидагилар солиқ тўлашга жалб қилинадилар:

а) фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифлари, уларнинг ҳуқуқий ворислари ва меросхўрлари — шу асарлар яратилганлиги, нашр қилинганлиги, ижро этилганлиги ёки улардан бошқа тарзда фойдаланилганлиги учун ёки шу асарлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги учун авторларга тўланадиган ҳақ миқдоридан;

б) фан, адабиёт ва санъат асарлари таржималарининг муаллифлари, уларнинг ҳуқуқий ворислари ва меросхўрлари — муаллифлик ҳақи миқдоридан;

в) кашфиётлар, ихтиролар ва саноат нусхаларининг муаллифлари, уларнинг ҳуқуқий ворислари ва меросхўрлари — муаллифлик ҳақи миқдоридан;

г) фан, адабиёт ва санъат асарларини таҳрир ва тақриз қиладиган гражданлар— — муаллифлик ҳақи миқдоридан.

д) муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунларга мувофиқ муаллифлик ҳақини оладиган бошқа гражданлар — муаллифлик ҳақи миқдоридан.

17-модда. Солиқ ставкалари

1. Ушбу Қонуннинг 16-моддасида кўрсатиб ўтилган гражданларга (шу жумладан асарлари, таржималари, кашфиётлари, ихтиролари ёки саноат нусхаларидан биринчи бор фойдаланилаётган муаллифларнинг ворисларига) тўланадиган ҳақ миқдори белгиланган ставкаларга мувофиқ тўланган тақдирда, солиқ ҳақ тўланган жойда бир йил давомида қуйидаги миқдорларда ундириб олинади:

Йиллик даромад миқдори	солиқ миқдори
180 сўмгача	даромад миқдоридан 1,5 фоиз
181 сўмдан 240 сўмгача	2 сўм 70 тийин плюс 180 сўмдан ортиқ пулнинг 5,5 фоизи
241 сўмдан 360 сўмгача	6 сўм 00 тийин плюс 240 сўмдан ортиқ пулнинг 6,0 фоизи
361 сўмдан 480 сўмгача	13 сўм 20 тийин плюс 360 сўмдан ортиқ пулнинг 7,0 фоизи
481 сўмдан 600 сўмгача	21 сўм 60 тийин плюс 480 сўмдан ортиқ пулнинг 8,0 фоизи
601 сўмдан 840 сўмгача	31 сўм 20 тийин плюс 600 сўмдан ортиқ пулнинг 10,0 фоизи
841 сўмдан 1200 сўмгача	55 сўм 20 тийин плюс 840 сўмдан ортиқ пулнинг 12,0 фоизи
1201 сўмдан 8400 сўмгача	98 сўм 40 тийин плюс 1200 сўмдан ортиқ пулнинг 13,0 фоизи
8401 сўмдан 10800 сўмгача	134 сўм 40 тийин плюс 8400 сўмдан ортиқ пулнинг 15,0 фоизи
10801 сўмдан 13200 сўмгача	1394 сўм 40 тийин плюс 10800 сўмдан ортиқ пулнинг 20,0 фоизи
13201 сўмдан 15600 сўмгача	1874 сўм 40 тийин плюс 13200 сўмдан ортиқ пулнинг 30,0 фоизи
15601 сўмдан 18000 сўмгача	2594 сўм 40 тийин плюс 15600 сўмдан ортиқ пулнинг 40,0 фоизи
18001 сўмдан 36000 сўмгача	3554 сўм 40 тийин плюс 18000 сўмдан ортиқ пулнинг 50,0 фоизи
36001 сўм ва ундан ортиқ	12 минг 554 сўм 40 тийин плюс 36000 сўмдан ортиқ пулнинг 60,0 фоизи

Ўзлари яратган ранг тасвир, ҳайкалтарошлик, графика асарлари, санъат бошқа турларининг ва манзаралиамалий санъат буюмларини музейларга, бадиий фонд ташкилотларига, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан маҳсус таъсис этилган сотиш кўргазмалари орқали сотган гражданлардан солиқ мазкур ташкилотлардан ва кўргазма дирекцияларидан олинган даромадлар бўйича мазкур ставкаларга биноан ундириб олинади.

2. Муаллифларнинг ворисларига такрорий (бир неча бор) тўланган ҳақ миқдоридан солиқ қуйидаги миқдорларда ундирилади.

Йиллик даромад ҳажми	солиқ миқдори
500 сўмгача	даромад миқдорининг 60,0 фоизи
501 сўмдан 1000 сўмгача	300 сўм плюс 500 сўмдан ортиқ пулнинг 65,0 фоизи
1001 сўмдан 3000 сўмгача	635 сўм плюс 1000 сўмдан ортиқ пулнинг 70,0 фоизи
3001 сўмдан 6000 сўмгача	2025 сўм плюс 3000 сўмдан ортиқ пулнинг 75,0 фоизи
6001 сўмдан 10000 сўмгача	4275 сўм плюс 6000 сўмдан ортиқ пулнинг 80,0 фоизи
10001 сўмдан 15000 сўмгача	7475 сўм плюс 10000 сўмдан ортиқ пулнинг 85,0 фоизи
15001 сўм ва ундан ортиқ	11725 сўм плюс 15000 сўмдан ортиқ пулнинг 90 фоизи

18 ёшга етмаган ворислар, 55 ёшдан ошган аёл ва 60 ёшдан ошган эркак ворислар учун солиқ миқдори 50 фоиз камайтирилади.

18-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

1. Қонуннинг ушбу бобида кўрсатилган гражданларнинг даромадларидан олинадиган солиқ йил давомида ҳисоблаб чиқарилади ва ушбу Қонуннинг 17-моддасидаги ставкаларга мувофиқ даромад тўланадиган жойда бевосита ушлаб қолинади. Шундан кейин ҳар сафар даромад тўлаш пайтида шу йил мазкур тўлов жойида берилган тўловларнинг умумий миқдорига биноан солиқ қайтадан ҳисобланади.

Йил тугагач гражданлар (муаллифларнинг ворисларидан ташқари) 1 мартдан кечикмай истиқомат жойидаги солиқ идорасига ўтган йили ҳақиқатда олган даромадлари тўғрисида маълумот тақдим этишга мажбурдирлар. Шу билан бирга ушбу Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган ва календарь йил давомида бир марта ҳақ олган гражданлар даромадлари тўғрисида маълумот тақдим этмайдилар.

2. Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ижро этиш ёки бошқа тарзда фойдаланиш ҳақида шартномалар бўлган тақдирда ушбу шартнома ҳисобига аванс тарзида тўланадиган муаллифлик ҳақи узил-кесил ҳисоб-китоб пайтида жамланади ва солиқ солиш мақсадида шартнома амал қилган йиллар сонига тақсимланади.

Бундай шартнома бўлмаган тақдирда, башарти асарни яратганлик ёки унинг биринчи нашри учун бериладиган ҳақ 8400 сўмдан ошиб кетса, бу пул солиқ тўловчининг аризасига мувофиқ уч йилга тақсимланади.

Кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналаридан дастлабки фойдаланилган йил давомида уларнинг муаллифлари оладиган ҳақ миқдорига нисбатан ҳам ана шундай тартиб қўлланилади.

3. Ушбу Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган гражданларнинг (муаллифлар меросхўрларидан ташқари) даромадларидан бир йиллик солиқни узил-кесил миқдори солиқ идоралари томонидан амалдаги йиллик даромадлар ва ана шу даромадни олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тўғрисидаги маълумот олинганидан кейин икки ой ичида аниқланади. Бундай харажатларни аниқлаш тартибини СССР Министрлар Совети белгилаб беради.

Солиқ ушбу Қонуннинг 8-моддасидаги ставкаларга мувофиқ ўртача ойлик даромаддан ҳисоблаб чиқарилади ва башарти ижодий фаолият даромаднинг бирдан бир манбаи бўлса 12 га кўпайтирилади ёки бўлмаса ижодий фаолият даромаднинг бирдан-бир манбаи бўлмаса, ушбу Қонуннинг 17-моддаси биринчи бандидаги ставкаларга мувофиқ йиллик даромаддан ҳисоблаб чиқилади.

Даромад тўланган жойда йил давомида ушлаб қолинган солиқ миқдори узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш чоғида ҳисобга олинади.

4. Ҳақ тўлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот ўзи жойлашган ердаги солиқ идораларига ҳар йили 1 февралдан кечиктирмай ўтган йил давомида гражданларга тўланган ҳақ миқдори тўғрисида уларнинг доимий яшаш жойларини ва ана шу даромадлардан ушлаб қолинган солиқ миқдорини кўрсатиб ёзма маълумот беришга мажбур.

Муаллифга ҳақ тўлаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар жойлашган ердаги солиқ идоралари бу маълумотларни тўғри ва тўла солиқ ундириш мақсадида даромад олганларнинг доимий яшаш жойидаги солиқ идораларига юборадилар.

5. Йиллик даромад тўғрисидаги маълумот асосида солиқни ҳисоблаб чиқиш натижаларига кўра қўшимча солиқ тўланадиган тақдирда қўшимча равишда ҳисоблаб чиқилган миқдордаги пулни тўлаш учун гражданларга солиқ идорасининг тўлов ҳақидаги хабарномаси олинган кундан бошлаб уч ой вақт берилади. Йил давомида ортиқча тўланган солиқни бюджетдан қайтариш зарур бўлган тақдирда ана шу пул гражданларга солиқ идоралари томонидан йиллик даромад тўғрисидаги маълумот олинганидан кейин узоғи билан икки ой ичида қайтарилиши лозим.

Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ маълумот тақдим этишдан озод қилинган гражданлар йил давомида ортиқча ушлаб қолинган солиқ уларга қайтариб берилиши учун бу ҳақда доимий истиқомат жойидаги солиқ идорасига ариза беришлари шарт.

V БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ

19-модда. Солиқ тўловчилар тоифалари ва солиқ ундириш объектлари

1. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг барча турлари билан шуғулланувчи, шу жумладан меҳнат хўжалигини юритувчи гражданларга Қонуннинг ушбу моддасида кўзда тутилган тартибда ва миқдорда солиқ солинади.

2. Ялпи даромад (пул ва натура шаклидаги) ҳамда даромад қилиш билан боғлиқ бўлган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар ўртасидаги тафовут солиқ ундириладиган даромад ҳисобланади.

Моддий харажатлар, асосий ишлаб чиқариш фондларини тўла тиклаш учун кетадиган амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, ўз меҳнатларидан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузган гражданларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун кетган сарф-харажатлар, давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар, мол-мулкни мажбурий суғурта қилишга тўловлар, банкдан олинган қисқа муддатли қарзлар тўлови (тўлаш муддати ўтиб кетган ва кечиктирилган қарзлар процентидан ташқари), шунингдек асосий ишлаб чиқариш фондлари ремонтининг барча турларига доир ҳаражатлар даромад олиш билан боғлиқ харажатлар таркибига киради.

20-модда. Солиқ ставкалари

Ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўрсатилган даромадлардан қуйидаги миқдорда солиқ олинади:

Йиллик даромад миқдори	солиқ миқдори
3000 сўмгача, агар ўртача ойлик даромад ишчилар ва хизматчиларнинг асосий иш жойидаги солиқ солинмайдиган ойлик иш ҳақидан кўп бўлса.	Ишчилар ва хизматчилар асосий иш жойига эга бўлмаган тақдирда ушбу Қонуннинг 8-моддасидаги ёки асосий иш жойи бўлса, ушбу Қонуннинг 14-моддасидаги ставкаларга мувофиқ
	Тегишли ойлар учун тўлайдиган солиқ миқдорига тенг миқдорда
3001 сўмдан 4000 сўмгача	322 сўм 40 тийин плюс 3000 сўмдан ортиқ пулдан 20,0 фоиз
4001 сўмдан 5000 сўмгача	532 сўм 40 тийин плюс 4000 сўмдан ортиқ пулдан 30,0 фоиз
5001 сўмдан 6000 сўмгача	832 сўм 40 тийин плюс 5000 сўмдан ортиқ пулдан 50,0 фоиз
6001 сўм ва ундан юқори	1332 сўм 40 тийин плюс 6000 сўмдан ортиқ пулдан 60,0 фоиз

Даромад манбаи тўхтаб қолган тақдирда даромад манбаи тўхтаган кундан бошлаб беш кун муддат ичида маълумотнома топширилади.

б) солиқ идоралари ўтказадиган гражданлар фаолиятини ҳамда солиқ тўловчиларнинг даромадлари тўғрисидаги бошқа мавжуд маълумотларни текшириш материаллари.

4. Солиқлар қуйидаги муддатларда тўланади: 15 мартгача, 15 майгача, 15 августгача ва 15 ноябргача.

5. Оила аъзоларидан ҳар бирининг ҳамда меҳнат хўжалигини биргаликда олиб борувчи ва умумий улушбай мулк асосида ўз мол-мулкига эга бўлган бошқа шахсларнинг даромадлари уларнинг ўзаро келишувига мувофиқ аниқланади, бу ҳақда солиқ идорасига тақдим этиладиган даромад тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилади.

6. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларга ҳақ тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўзлари жойлашган ердаги солиқ идораларига улар гражданларга тўланган пул миқдори ҳақида ҳар ойда ёзма маълумот беришга мажбурдирлар. Бу маълумотларни даромадларни тўлаган корхона, муассаса ва ташкилот жойлашган ердаги солиқ идоралари тўғри ва тўла солиқ солиш мақсадида ҳисобга олиш учун даромад олувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги солиқ идораларига юборадилар.

7. Меҳнат хўжалигида ўз меҳнатидан фойдаланиш ҳақида шартнома тузган гражданлардан даромад солиғини меҳнат хўжалигининг ана шу граждан билан шартнома тузган аъзоси иш ҳақини тўлаётган пайтда ушлаб қолади. Меҳнат хўжалигида ишлаган гражданнинг асосий иш жойи бўлмаса, солиқ ушбу Қонуннинг 8-моддасидаги ставкалар билан ёки гражданнинг асосий иш жойи бўлса, 14-моддадаги ставкалар билан ушлаб қолинади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ва бошқа шахслар ҳам айтиб ўтилган гражданлардан шу тартибда ва миқдорда солиқ ушлаб қолинади.

Солиқ ушбу модданинг 4-бандида кўрсатилган навбатдаги тўлов муддати бошланиши биланоқ ўтказилади.

VI БОБ. ГРАЖДАНЛАРНИНГ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШДАН ОЛГАН ДАРОМАДЛАРИДАН СОЛИҚ УНДИРИШ

22-модда. Солиқ тўловчиларнинг тоифалари ва солиқ солиш объектлари

Деҳқон хўжалигини юритаётган граждан ёки биргаликда деҳқон хўжалигини юритаётган, яъни қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан биргаликда банд бўлган гражданлар Қонуннинг ушбу бобида кўрсатилган тартибда ва миқдорда солиқ тўлайдилар.

Ушбу Қонун 19-моддасининг 2-бандига мувофиқ аниқланадиган йиллик даромад солиқ ундириш объекти ҳисобланади.

23-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби

1. Ушбу Қонуннинг 22-моддасида кўрсатилган гражданлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда ёки хизмат кўрсатишдан даромад олинган ой учун бюджетга ойлик даромаднинг 10 фоизи миқдоридаги солиқни келгуси ойнинг 10-кунига қадар мустақил равишда йил давомида тўлаб борадилар. Солиқ деҳқон хўжалиги аъзоларининг топшириғига мувофиқ улардан бири томонидан умумий даромад ҳисобидан тўланади.

Бир йиллик солиқнинг узил-кесил миқдорини солиқ идораси келгуси йилнинг 1 мартига қадар тақдим этиладиган амалда йил давомида олинган даромад ҳақидаги декларация асосида белгилайди. Бунда деҳқон хўжалиги ҳар бир аъзосининг солиқ солинадиган йиллик даромади миқдори улар ўртасидаги келишувга мувофиқ аниқлаб қўйилади ва бу ҳақда маълумотномада маълум қилинади. Деҳқон хўжаликлари аъзоларининг маълумотномада кўрсатилган йиллик даромадлари

(Давоми учинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССР ГРАЖДАНЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ГРАЖДАНЛАРДАН ВА ГРАЖДАНЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

миқдори даромад олиш билан боғлиқ сарф-харажатлар чиқариб ташланиб, ўтган йилги ишлар учун солиқ солиш мақсадида ойма-ой тақсимлаб чиқилади.

Солиқ асосий иш жойи бўлмаган тақдирда ушбу Қонуннинг 8-моддасидаги ставкалар билан ёки асосий иш жойи бўлса ушбу Қонуннинг 14-моддасидаги ставкалар билан ҳисоблаб чиқилади ҳамда деҳқон хўжалиги аъзолари ўтган йил ишлаган ойлари сонига кўпайтирилади.

Солиқнинг камини тўлаш, бинобарин тегишли ҳолларда йил давомида ортиқча тўланган солиқни қайтариб олиш келгуси йилнинг 1 апрелидан кечиктирилмайди.

2. Деҳқон хўжалигида ўз меҳнатидан фойдаланиш ҳақида шартнома тузган гражданлардан даромад солиғи шартнома тузган деҳқон хўжалиги аъзоси томонидан ана шу гражданларга иш ҳақини тўлаш чоғида ушлаб қолинади. Солиқ деҳқон хўжалигида ишлаган гражданларнинг асосий иш жойи бўлмаган тақдирда ушбу Қонуннинг 8-моддасидаги ставкаларга мувофиқ, агар уларнинг асосий иш жойи бўлса, 14-моддадаги ставкаларга мувофиқ ушлаб қолинади. Солиқлар ойлик даромаддан солиқни олдиндан тўлаб қўйишнинг навбатдаги муддати бошланган пайтда бюджетга ўтказилади.

VII БОБ. БОШҚА ДАРОМАДЛАРДАН СОЛИҚ УНДИРИШ

24-модда. Солиқ ставкалари

Ушбу Қонуннинг II—VI бобларида санаб ўтилганидан бошқа даромад олувчи гражданлар қуйидаги миқдорда солиқ тўлайдилар:

Йиллик даромад миқдори	Солиқ миқдори
301 сўмдан 360 сўмгача	300 сўмдан ортиқ пулдан 10,0 фоиз
361 сўмдан 480 сўмгача	6 сўм 00 тийин плюс 360 сўмдан ортиқ пулдан 14,0 фоиз
481 сўмдан 600 сўмгача	22 сўм 80 тийин плюс 480 сўмдан ортиқ пулдан 19.0 фоиз
601 сўмдан 840 сўмгача	45 сўм 60 тийин плюс 600 сўмдан ортиқ пулдан 23,5 фоиз
841 сўмдан 1200 сўмгача	102 сўм 00 тийин плюс 840 сўмдан ортиқ пулдан 29,0 фоиз
1201 сўмдан 1800 сўмгача	206 сўм 40 тийин плюс 1200 сўмдан ортиқ пулдан 33,5 фоиз
1801 сўмдан 2400 сўмгача	407 сўм 40 тийин плюс 1800 сўмдан ортиқ пулдан 40,0 фоиз
2401 сўмдан 3000 сўмгача	647 сўм 40 тийин плюс 2400 сўмдан ортиқ пулдан 46,5 фоиз
3001 сўмдан 5000 сўмгача	926 сўм 40 тийин плюс 3000 сўмдан ортиқ пулдан 52,5 фоиз
5001 сўм ва ундан ортиқ	1976 сўм 40 тийин плюс 5000 сўмдан ортиқ пулдан 60,0 фоиз

25-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби

1. Қонуннинг ушбу бобида назарда тутилган даромадлар (пул ва натура шаклида) билан, ана шу даромадни олиш билан боғлиқ сарф-харажатлар ўртасидаги тафовут солиқ ундириладиган даромаддир.

Харажатлар таркибига ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўрсатилган харажатлар ҳам, фаолиятнинг ҳар бир аниқ турини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилиши мумкин

2. Қонуннинг ушбу бобида кўрсатилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлайдиган даромадлардан олинадиган солиқлар шу корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ушбу Қонуннинг 24-моддасидаги ставкаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади. Шундан кейинги ҳар бир тўлов чоғида шу тўлов жойида жорий йилда тўланган пулнинг миқдоридан келиб чиқиб, солиқ қайта ҳисоблаб чиқилади.

Гражданлар оладиган даромаддан солиқ жорий йил учун солиқ идоралари тахминий даромадларга қараб ҳисоблаб чиққан миқдорнинг 25 фоизи миқдорида 15 мартгача, 15 майгача, 15 августгача ва 15 ноябргача тўланади.

Йил давомида солиқ тўловчининг даромади анча кўпайган ёки камайган тақдирда солиқ тўлашнинг ҳали келмаган муддати учун солиқ миқдори қайта ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

3. Йил тугагандан сўнг солиқнинг йиллик миқдори ҳақиқатда олинган даромадга қараб ҳисоблаб чиқилади ва ана шу миқдор билан йил давомида тўланган пул миқдори ўртасидаги тафовут келгуси йилнинг 15 мартидан кечиктирмай солиқ тўловчилардан ундириб олинади ёки уларга қайтариб берилади, даромад манбаи тугаган тақдирда эса 15 кун муддат ичида ҳисоб-китоб қилинади.

4. Ушбу Қонуннинг 24-моддасида кўрсатилган солиқ тўловчиларга солиқ қуйидаги асосларга мувофиқ солинади:

а) солиқ тўловчиларнинг йил давомида олинган ҳақиқий даромадлар тўғрисида келгуси йилнинг 15 январигача тақдим этиладиган маълумотномаси.

Йил давомида даромад манбаи пайдо бўлган тақдирда гражданлар даромад манбаи пайдо бўлган ойдан кейин 5 кун муддат ичида маълумотнома топширадилар, унда фаолиятнинг биринчи ойидаги ҳақиқий даромад миқдори ва жорий йилнинг охиригача олинадиган даромаднинг кўзда тутилаётган миқдори кўрсатилади.

Даромад манбаи тугаган тақдирда даромад манбаи тугаган кундан бошлаб 5 кун муддатда маълумотнома топширилади;

б) солиқ идоралари томонидан гражданларнинг фаолиятини ҳамда солиқ тўловчиларнинг даромадлари ҳақидаги бошқа мавжуд маълумотларни текшириш материаллари.

5. Олган даромадларига Қонуннинг ушбу боби қоидаларига мувофиқ солиқ солинадиган гражданларга ҳақ тўловчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳар йили 15 январдан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги солиқ идораларига тўланган даромад ва ушлаб қолинган солиқ миқдори ҳақида маълумотларни тақдим этишга мажбурдирлар. Даромад тўлаган корхона, муассаса ва ташкилот жойлашган ердаги солиқ идоралари бу маълумотларни тўғри ва тўла солиқ солиш мақсадида ҳисобга олиш учун даромад олувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги солиқ идораларига юборадилар.

VIII БОБ. ЧЕТ ЭЛ ГРАЖДАНЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

26-модда. Солиқ ундириладиган даромадни аниқлаш

1. Чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахсларнинг (улар бундан буён «хорижий шахслар» деб юритилади) солиқ ундириладиган даромади СССР гражданларининг солиқ ундириладиган даромадини аниқлаш тартибида белгиланади. Хорижий шахсларнинг солиқ ундириладиган даромадларини аниқлаш чоғида унга қуйидагилар ҳам киритилади:

а) СССРда яшаши муносабати билан тўланадиган қўшимча;

б) болаларни мактабда ўқитиш, овқатлантириш, солиқ тўловчининг оиласи аъзоларининг отпускага чиқиши ва шу каби мақсадларга сарф-харажатларини қоплаш учун тўланадиган пул миқдори.

2. Солиқ ундириладиган даромад таркибига қуйидагилар киритилмайди:

а) хорижий шахсни ёлловчининг давлат ижтимоий суғурта ва пенсия таъминоти жамғармаларига ўтказиладиган пул миқдори;

б) хизмат мақсадлари учун уй-жой биносини ижарага олиш ва автомобилни сақлаб туриш учун харажатларни қоплашга тўланадиган пул миқдори;

в) командировка харажатлари миқдори.

27-модда. Солиқ солиш миқдори

СССРда доимий истиқомат қилувчи хорижий шахсларнинг даромадларидан СССР қонунларида СССР Гражданларининг худди шундай даромадларига даромад солиғи солиш учун кўзда тутилган миқдорда даромад солиғи ундирилади.

Шахсий компаниялар эгаларининг даромадларидан ушбу Қонуннинг 20-моддасида кўзда тутилган миқдорда солиқ ундирилади.

28-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби

1. Солиқ солиш мақсадлари учун СССРда доимий истиқомат қилувчи ва СССРдан ташқаридаги манбалардан даромад олувчи деб қараладиган хорижий шахслар ушбу моддада белгилаб қўйилган тартибда даромадлар тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

Солиқ солиш мақсадлари учун СССРда доимий истиқомат қилувчи ва даромад олувчи деб қараладиган хорижий шахсларга солиқ солиш ушбу Қонуннинг IV—VII боблари билан тартибга солинади ва улар тегишли бобларда белгилаб қўйилган тартибда даромадлар тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар.

2. Ҳақиқий олинган даромад тўғрисидаги маълумотнома ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартига қадар хорижий шахс фаолиятини амалга оширадиган ва истиқомат қиладиган жойдаги солиқ идорасига тақдим этилади.

СССРда доимий истиқомат қилувчи деб ҳисобланадиган хорижий шахс жорий йилдаги кўзда тутилаётган даромадлари ҳақидаги маълумотномани СССРга келган кундан бошлаб бир ой давомида тақдим этади.

Хорижий шахснинг фаолияти календарь йили давомида тўхтаган ва СССРдан чиқиб кетган тақдирда ҳақиқатан олинган даромад тўғрисидаги маълумотнома СССРдан жўнаб кетишидан камида бир ой олдин топширилиши керак.

3. Хорижий шахсларнинг даромадларидан уларнинг даромадлар тўғрисидаги маълумотномаси асосида ундириладиган даромад солиғи солиқ тўловчи фаолияти амалга ошириладиган ёки яшайдиган жойдаги солиқ идораси томонидан ҳисоблаб чиқилади. Солиқ идораси тўловчига юборадиган тўлов хабарномаси солиқ тўлаш учун ҳужжат ҳисобланади.

Кўзда тутилаётган даромадлар тўғрисидаги маълумотнома асосида солиқ тўловчи учун унинг солиқ мажбуриятларининг 75 фоизи миқдорида тўлаш лозим бўлган солиқнинг аванс миқдори ҳисоблаб чиқилади; солиқ миқдори ҳақиқий даромадлар тўғрисидаги маълумотлар асосида қайтадан ҳисоблаб чиқилади.

Жорий йил солиғи баравар миқдорда уч бўлиб — 15 майгача, 15 августгача ва 15 ноябргача тўланади. Тўлов хабарномаси ёзилган кундан бошлаб бир ой давомида ҳисобот йили учун қайта ҳисоблаб чиқилган солиққа қўшимча тўланади. Солиқнинг ортиқча тўланган миқдори солиқ тўловчининг истагига мувофиқ унга қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

4. Тегишли чет давлат СССР гражданларидан даромад солиғи олишни тўхтатса ёки чеклаб қўйса ва бу ҳол ана шу давлатнинг солиқ идоралари томонидан тасдиқланса, ўзаро келишув принципи асосида хорижий шахсларга нисбатан ҳам худди шундай қилинади.

Ушбу бандни қўлланиш тўғрисидаги кўрсатмалар СССР Ташқи ишлар министрлиги билан келишилган ҳолда СССР Молия министрлиги томонидан берилади.

IX БОБ. СССРДА ДОИМИЙ ИСТИҚОМАТ ҚИЛМАЙДИГАН ШАХСЛАР СССРДАГИ МАНБАЛАРДАН ОЛАДИГАН ДАРОМАДЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ

29-модда. Солиқ солиш миқдори

СССРда доимий истиқомат қилмайдиган шахслар СССРдаги манбалардан оладиган даромадлардан (ушбу Қонуннинг II ва III бобларида кўрсатилган даромадлардан ташқари) солиқ даромадни тўлаш манбаида 20 фоиз ставка билан ушлаб қолинади. Ушбу Қонуннинг 6-моддаси ва 28-моддасининг 4-банди қоидаларида бошқа жиҳат кўзда тутилмаган бўлса, солиқнинг мазкур ставкаси қўлланилади.

Ушбу Қонуннинг II ва III бобларида кўрсатилган даромадлардан уларда келтирилган ставкаларга мувофиқ солиқ ушлаб қолинади.

X БОБ. УШБУ ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

30-модда. Гражданлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бурчлари

1. Ушбу Қонунга мувофиқ солиқ солинадиган гражданлар қуйидагиларга мажбурдирлар:

а) солиқ идораларига ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда СССР Молия министрлиги белгилаб берадиган шаклларда даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотномани, маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини тасдиқловчи бошқа зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш, шунингдек солиқ солинадиган даромадларни ва ана шу даромадларни олиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳисобга олиб бориш;

б) солиқ имтиёзлари ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатиш, тегишли ҳолларда эса бундай ҳужжатларни тақдим этиш;

в) солиқ идоралари тақдим этган солиқ миқдорини бюджетга ўз вақтида ва тўла-тўкис тўлаш;

г) солиқ идоралари мансабдор шахсларини даромад олиш учун фойдаланилаётган биноларга киритиш.

2. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қуйидагиларга мажбурдирлар:

а) ишчилар ва хизматчилар иш ҳақидан олинадиган солиқлар миқдорини ҳамда тўлов манбаида солиқ солинадиган бошқа даромадларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаб бериш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш;

б) улар гражданларга тўлаган, солиқ идоралари томонидан солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар ҳақидаги маълумотларни солиқ идораларига ўз вақтида тақдим этиш.

3. Ташқи иқтисодий битимлар тузиш чоғида даромадни тўлайдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар хорижий шахслар учун солиқ тўлашга кетадиган харажатларни қоплаш мажбуриятларини ўз зиммасига оладиган солиққа доир шартлар киритилишига йўл қўйилмайди.

31-модда. Солиқларни ушлаб қолиш ва нотўғри ушлаб қолинган солиқларни қайтариш тартиби

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар гражданларнинг ҳар ойда олинадиган даромадларидан ўз вақтида ушлаб қолинмаган солиқ миқдори кўпи билан уч ой учун ушланиши мумкин, ортиқча ушланган пулларни эса нотўғри ушланганлиги аниқлангунгача ўтган даврнинг кўпи билан бир йили учун қайтариб беришга йўл қўйилади.

Даромадларига, маълумотномаларга мувофиқ солиқ солинадиган, солиқ тўлашга ўз вақтида жалб этилмаган ёки нотўғри солиқ солинган гражданлардан солиқни ундириб олиш ёҳуд уларга қайтариб бериш солиқни нотўғри ушлаш аниқлангунга қадар ўтган даврнинг кўпи билан икки йили учун амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг солиқни тўлашдан бўйин товлаши натижасида ундирилмай қолган солиқ миқдори бутун бўйин товлаш даври учун ундириб олинади.

32-модда. Гражданлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жавобгарлик чоралари

1. Солиқ солинадиган даромадлари тўғрисида ўз вақтида маълумотнома тақдим этмаган солиқ тўловчиларга солиқ идоралари олдинги ҳисобот йилида тўланган солиқ миқдорининг 150 фоизи миқдорида ёки солиқ идораси ихтиёридаги даромадлар тўғрисидаги маълумот асосида шартли равишда ҳисоблаб чиқилган миқдорда солиқ тўлаш учун хабарнома юборилади. Мазкур ҳужжатлар тақдим этилгач ва улар текшириб кўрилгандан кейин солиқ миқдори ҳақиқатан олинган даромадга қараб тўланадиган солиқнинг 10 фоизи ушлаб қолиниб, қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузишда айбдор бўлган ёки махсус равишда таъқиқлаб қўйилган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган гражданлар, шунингдек даромадлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этмасликда ёки ўз вақтида тақдим этмасликда ёхуд маълумотномага нотўғри маълумотларни киритишда айбдор бўлган гражданлар солиқ солиш мақсадлари учун зарур бўлган даромадлар ва харажатларнинг тегишли ҳисоб-китоби бўлмаган тақдирда солиқ идораларининг раҳбарлари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга 50 сўмдан 100 сўмгача жарима солинади, маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил давомида шу хатти-ҳаракатларни такроран содир этганлик учун 200 сўмдан 300 сўмгача жарима солинади.

2. Солиқ солинадиган ҳақиқатан олинган даромадларни яширгани (камайтириб кўрсатгани)лик учун даромаднинг яширилган, (камайтирилган) қисми тўла тортиб олинади ва даромаднинг яширилган, (камайтирилган) қисми миқдорида жарима солинади, қонунни такрорий бузган тақдирда эса икки ҳисса миқдорида жарима солинади.

Эркин алмаштириладиган валюта тарзида олинган даромадларни яшириш даромад миқдорини СССР давлат банкининг махсус курси билан икки ҳисса миқдорида ҳисоблашга олиб боради.

Ана шу пул солиқ идораларининг мансабдор шахслари протокол тузган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида бюджетга ўтказилади. Ана шу пулни тўлашдан бош тортилган тақдирда у муддатида тўланмаган солиқларни ва солиқдан ташқари тўловларни ундириб олиш тўғрисидаги қоидада белгилаб қўйилган тартибда ундириб олинади.

3. Даромад солиғи миқдорини тўла, ўз вақтида ушлаб қолмаганлик ва бюджетга ўтказмаганликда, гражданларнинг даромадларини яширишда (камайтириб кўрсатишда) айбдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари, бухгалтерия ҳисоботи олиб борилмаган ёки бундай ҳисобот белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб борилган тақдирда, солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаган, умуман тақдим этмаган ёки белгиланган шаклда тақдим этмаган тақдирда, солиқ идораларининг раҳбарлари томонидан 100 сўмдан 200 сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жавобгарликка тортиладилар, маъмурий жазо тайинланганидан сўнг бир йил давомида ўша хатти-ҳаракатлар такроран содир этилган тақдирда уларга 200 сўмдан 300 сўмгача жарима солинади.

4. Ҳақ тўлаш манбаидан ундирилиши лозим бўлган ўз вақтида ушлаб қолинмаган, тўла ушлаб қолинмаган ёки бюджетга ўтказилмаган солиқ миқдори гражданларга даромад тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан солиқ идоралари томонидан шак-шубҳасиз тарзда ундириб олинади.

5. Солиқ тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун муддати ўтган ҳар бир кун учун тўланмаган миқдорнинг 0,2 фоизи ҳажмида пеня ундирилади.

33-модда. Солиқ идоралари ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

Мансабдор шахсларнинг улар солиқни ундириб олиш чоғида йўл қўйган ҳаракатлари ва формойишлари устидан шикоятлар ана шу кишилар бевосита бўйсунадиган идорага ёки қайси идоранинг фармойиши билан солиқ ундирилаётган бўлса, ўша идорага топширилади. Шикоятлар кўриб чиқилади ва бу шикоятлар юзасидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан қарорлар шикоят тушган пайтдан бошлаб 15 кундан кечиктирмай қабул қилинади, гражданларга нисбатан эса гражданларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш учун белгилаб қўйилган муддатда қабул қилинади.

Шикоятларга доир қарорлар устидан бир ой муддатда юқори солиқ идорасига ёки халқ судига шикоят қилиш мумкин.

Шикоят топшириш солиқни ундириб олишни тўхтата олмайди. Шикоятни кўриб чиқаётган идора шикоят ҳал қилингунга қадар тегишли солиқ миқдорини ундириб олишни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Солиқ идораларининг мансабдор шахслари маъмурий чора белгилашлари билан боғлиқ ҳаракатлари устидан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларига мувофиқ шикоят қилиш мумкин.

34-модда. Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўл-йўриқлар

Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўл-йўриқларни СССР Молия министрлиги СССР Адлия министрлиги билан келишган ҳолда чиқаради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 23 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«СССР ГРАЖДАНЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ГРАЖДАНЛАРДАН ВА ГРАЖДАНЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССР гражданларидан, ажнабий гражданлардан ва гражданлиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги СССР Қонуни 1990 йил 1 июлидан кучга киритилсин, Қонун 4-моддаси 2-бандининг 1991 йил 1 январидан бошлаб кучга кирадиган «Д», «Е» ва «Ж» кичик бандлари бундан мустаснодир.

1990 йилнинг 1 июлигача амалга оширилган иш ва бошқа фаолият учун ушбу Қонун кучга киритилгандан кейин тўланган иш ҳақига ҳамда меҳнат мажбуриятларини ижро этиш муносабати билан берилган бошқа тўловларга, шунингдек солиқ солиш юзасидан шу тўловларга тенглаштирилган даромадларга даромад солиғи 1990 йил 1 июлгача амал қилган тартибда ва миқдорда ундирилади.

Гражданларнинг бошқа ҳамма даромадларига, даромад олинган вақтдан қатъи назар, Қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда солиқ солинади.

2. СССР Олий Советининг қонунчилик комитети СССРнинг қонун ҳужжатларини «СССР гражданларидан, ажнабий гражданлардан ва гражданлиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни 1990 йил 1 июлгача СССР Олий Советининг муҳокамасига киритсин.

3. СССР Министрлар Совети:

Фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиролар, кашфиётлар ва саноат нусхаларининг муаллифлари оладиган ҳақдан солиқ ундириш пайтида чегириб ташланиши лозим бўлган харажатларнинг миқдорини ҳамда аниқлаш ва ҳисобга олиш тартибини 1990 йил 1 ноябргача белгилаб қўйсин;

Қонуннинг 13-моддаси талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида гражданлар ўриндошлик юзасидан ишлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни шу гражданларнинг асосий иш жойи ҳақида хабардор қилиш тартиби ва шартларини белгилаб қўйсин;

СССР ҳукуматининг қарорларини «СССР гражданларидан, ажнабий гражданлардан ва гражданлиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги СССР Қонунига 1990 йил 1 июлгача мувофиқ ҳолга келтирсин.

4. СССРнинг Қонун ҳужжатлари «СССР гражданларидан, ажнабий гражданлардан ва гражданлиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги СССР Қонуни билан мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар ушбу Қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид келмайдиган қисми қўлланилаверади.

5. СССР Министрлар Совети гражданлардан даромад солиғи ундиришни ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичини ўтказиш тўғрисидаги таклифларни 1993 йил 1 январгача ишлаб чиқиб, СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этсин, бу ислоҳот гражданларнинг жами йиллик даромадини, болаларни, боқимдагиларни боқиш харажатларини ҳамда ижтимоий жиҳатдан ўринли бўлган бошқа харажатларни тўла ҳисобга олиш асосида уларнинг шахсий даромадларига солиқ солишнинг ягона қоидаларига ўтишни кўзда тутади.

СССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 апрель.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Истеъмол бозорини, пул муомаласини тартибга солиш ва нарх-наво устидан давлат назоратини кучайтиришга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди, унда аҳолининг саноат моллари ва хизматларга эҳтиёжларини қондириш, пул билан саноат моллари мутаносиблиги, пулнинг қадрсизланиши жараёнларини қисман бартараф этиш ва ниҳоят республика учун зарур қўшимча молиявий ресурсларни олиш муаммоларига алоҳида эътибор берилган.

Кўп болали оилаларнинг, пенсионерларнинг, шунингдек аҳоли қўшимча даромад манбаи бўлмаган бошқа табақаларининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлайдиган бир қанча чора-тадбирларни биринчи навбатда амалга ошириш кўзда тутилган.

Ана шу мақсадда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига 1990 йилда мева-сабзавот маҳсулотларининг энг муҳим турлари, картошка ва улардан қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотларнинг мавсумларга қараб табақалаштирилган шартномавий харид ва чакана нархлари қўлланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш топширилди. Ижтимоий паст нархларда сотиладиган халқ истеъмоли моллари турлари тасдиқланди. Уларнинг орасида чақалоқлар, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун кийим-кечаклар, трикотаж маҳсулотлар, мактабгача ва мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болалар пойабзали, катта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган моллар бор.

Бу йил давлат чакана нархлари ўзгартирилмай ушлаб туриладиган оммавий эҳтиёж моллари рўйхатида гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, жумладан сариёғ, балиқнинг асосий турлари (шу жумладан сельд балиғи), балиқ маҳсулотлари ва балиқ консервалари, овқатга ишлатиладиган мол ёғи, ўсимлик мойи, маргарин ва маргарин маҳсулотлари, пишлоқ, тухум, қанд-шакар, табиий чой, туз, ун, нон ва нон маҳсулотлари, ёрма ва дуккакли дон, макарон маҳсулотлари, болалар овқати ва парҳезбоп овқат, болалар кийим-кечаги ва пойабзали, шунингдек катта ёшдаги кишилар учун ижтимоий арзон нархларда сотиладиган кийим-кечак ва пойабзал, дафтар ва мактаб-ёзув қуроллари бор.

Шартномавий нархлар белгиланиши мумкин бўлган ижтимоий аҳамиятга молик саноат моллари рўйхати белгилаб чиқилди. Уларнинг орасида: газламалар, трикотаж буюмлар, пайпоқлар, кийим-кечаклар, ип газламадан тайёрланган кўрпа, махсус кийим-кечаклар, болалар ва қариялар учун пойабзал, ўйинчоқлар, болалар кажавалари, портфеллар, ранецлар ҳамда бошқа моллар бор.

Ўзбекистон ССР Давлат нархлар комитетига нархлар устидан давлат назоратини кучайтириш, ижтимоий аҳамиятга молик халқ истеъмоли моллари давлат чакана нархлари оширилишига йўл қўймаслик, арзон буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилишининг олдини олиш, шунингдек истеъмол хусусиятлари унча ўзгартирилмаган янги маҳсулотларга асоссиз равишда давлат чакана нархларининг оширилишига йўл қўймаслик топширилди.

Ўзбекистон ССР Молия министрлигига болалар учун енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган давлат корхоналарига давлат бюджетларига тўловлар юзасидан имтиёз белгилаш топширилди. Ана шундай молларнинг ўтган йили эришилган даражасига қўшимча сотилган қисмидан олинган фойданинг ҳаммаси бу маҳсулотни тайёрловчи корхона тасарруфида қолиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларининг 1990 йилда халқ истеъмолмоллари ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтиришга доир таклифлари қабул қилинди, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш моддий-техника ресурслари билан тўла таъминланган. Айни бир вақтда шундай тартиб ўрнатилдики, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун ўзларига марказлаштирилган тартибда ажратилган ресурслардан бошқа мақсадларда фойдаланган корхоналар бюджетга ана шу хом ашёдан ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган халқ истеъмоли моллари қиймати миқдорида жарима тўлайди.

Истеъмол бозорини тартибга солиш юзасидан ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирлардан келиб чиқиб, 1990 йил плани ҳисоб-китобларида давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг ҳажмини 450 миллион сўмлик кўпайтириш кўзда тутилди.

Товарларни жойлардан харид қилиш, шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини аҳолидан шартномавий нархларда ҳарид қилиш ҳисобига қўшимча товар ресурсларини қидириб топиш ҳажмлари тавсия этилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув билан келишиб, 1990 йилнинг биринчи ярмида халқ истеъмоли молларининг нодир буюмлар, ҳашаматли буюмлар каби турлари билан, шунингдек чет элдан махсус туркумда сотиб олинадиган буюмлар билан коммерция нархларида савдо қиладиган махсус магазинлар очиш топширилди. 1990 йилда коммерция нархларида савдо қилишдан тушган фойда республика аҳолисининг, биринчи навбатда, камбағал оилаларнинг турмуш даражасини оширишга сарфланади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, Тошкент область ва шаҳар ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигига давлат ва идораларга қарашли уй-жой фондидаги квартираларни шахсий мулкка сотиш практикасини такомиллаштириш тавсия этилди. Шу муносабат билан хоҳлаган ҳар бир оилага ўзи яшаб турган уй-жойини давлат ёки корхонадан ўз шахсий мулки қаторига сотиб олиш имкони берилади. Бунда квартиранинг қиймати уй-жойнинг сифати ва қанчалик эскирганига ва унинг қаерда жойлашганига қараб белгиланади.

Муқим нархларда ва бозор нархларида моллар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кўпайтиришдан ташқари пул жамғармаларини ноанъанавий соҳаларга (қимматбаҳо қоғозлар, уй-жой, ер участкалари ва бошқаларни сотиб олишга) жалб этиш йўли билан талабни камайтириш иккинчи йўналишдир.

Хусусан СССР жамғарма банки Ўзбекистон республика банкига пулни сақлаш муддатига (5 йилдан ортиқ) турлари ва жамғарма миқдорига қараб гражданларнинг омонат банкида сақланаётган жамғармаларига тўланадиган фойдани 4 фоизгача оширишга рухсат этилди.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги билан биргаликда чиқарилаётган СССР давлат хазина билетларини, аниқ мақсадга мўлжалланган давлат процентсиз заёмлари облигацияларини аҳоли орасида тарқатишни таъминлаш топширилди. Бундай заёмлар бўлмаган тақдирда жойлардаги жамғарма банклари аҳолидан қабул қилиб олинган пулни кейинчалик мазкур облигацияларни 1990 йил 1 октябрдан кечиктирмай топшириш шарти билан белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.

Шу билан бир вақтда банк берган қарзлардан фойдаланиш учун масъулият оширилди, масалан, қарз ўз вақтида тўланмаган тақдирда қарз умумий миқдоридан йилига 6 фоиз музд ундириб олинади, шунингдек, СССР жамғарма банкининг Ўзбекистон республика банкига берилган қарздан бошқа мақсадда фойдаланганлик учун йилига муддатидан олдин 12 фоиз музд ундириб олишга рухсат этилди.

Боғ уйлари қуриш, боғ участкаларини обод қилиш учун олдин берилган қарзлардан фойдаланганлик учун музд тўлашда белгилаб қўйилган имтиёзлар сақлаб қолинди.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, пул даромадларининг асоссиз равишда ўсиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилган тақдирдагина сўмнинг қадри ошади. Ҳақиқатан, қўшилган меҳнат улушини ҳисобга олмай туриб иш ҳақи тўлашга маблағлардан оқилона фойдаланмаганлиги учун раҳбарларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш муҳимдир.

ҲУЖЖАТЛАРДА ЖАСОРАТ МАДҲИЯСИ

Улуғ Ватан уруши йиллари катта бир тарих. Унинг ҳар бир саҳифаси ҳаяжонли ва унутилмас воқеаларга бой. Ундан, шубҳасиз, ўзбек ўғлонларининг ҳам мислсиз жасорати ва қаҳрамонлиги муносиб ўрин олган. Ўша оғир дамларда юртдошларимизнинг мардлиги ҳақида ўзбек тилида «ВАТАН УРУШИНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ» варақалари тарқатилиб, йигитларимизни янгидан-янги жасорат сари ундаган эди. Айни чоғда ўзбек тилида босилган қизил аскарларнинг «ВАТАН ШАРАФИ УЧУН» деган газетаси ҳам ватанпарварлик, ҳужумкорлик, даъватқор кучга эга бўлганди.

Ўлкамиз ўғлонларининг ўқ ёмғирлари тагида, қишли-қировли ва аёзли кунларда зах ҳандақларда ёзган соғинчли мактубларини кўздан кечирсангиз, қалбингизни ифтихор туйғулари эгаллайди. Давр ўтиши билан сарғайган бу хатларда она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, душманга нафрат, ёрга садоқат ўз аксини топган.

Қуйида Улуғ Ватан урушидан хотира бўлиб қолган ана шу варақалар, мактублар, фотолавҳалар-у айрим эсдаликларни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Бу тарихий ҳужжатлар ўзбекистонлик йигитларнинг уруш йилларида кўрсатган мислсиз жасоратидан ҳикоя қилади.

• Немис босқинчиларига ўлим!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ТЎХТАСИН БОБОЕВ

Қизил Армия жанг қилиб ғарбга силжиб бормоқда. Кичик сержант Тўхтасин Бобоевнинг бўлинмаси Днепрга келиб, ундан кечиб ўтишга тайёрлана бошлади.

Сапёрлар дарёдан ўтиш воситаларини тайёрламоқдалар. Разведкачилар душман томонга кечиб ўтиш учун қуролланмоқдалар.

Бобоевни батальон командири чақирди.

— Ўртоқ Бобоев, — деди комбат, — сиз яхши разведкачимизсиз. Сизга муҳим вазифа топширилади: ўнг қирғоққа ўтиб, душманнинг мудофааси ва ўт очиш нуқталари қаерларда, қандай ўрнаштирилганини билиб оласиз ва дарров бизга хабар қиласиз. Тушундингизми?

— Тушундим, ўртоқ капитан! — деб жавоб берди Бобоев.

Ўз командирининг жиддий қиёфасидан разведкачилар муҳим вазифани бажаришлари керак эканлигини англадилар. Бир зумда тайёр бўлдилар.

Кузнинг майдалаб ёғаётган ёмғири Чернигов водийсининг ерларини шилпиллатиб юбориб, разведкачиларнинг ҳаракатини қийинлаштирди. Ёпишқоқ лой этикларни вазминлаштирди. Аста-секин юриб бордилар. Кечиб ўтиш учун қулай жой ҳам топилди: дарёнинг икки томони ўтзорлик, яшириниб ўтиш мумкин.

Сапёрлар қайиқни сувга туширдилар, разведкачилар қайиққа оҳиста тушиб жойлашдилар ва қирғоқдан ажралиб, тим қоронғида ўнг қирғоққа жўнадилар...

— Мана, биз ўнг қирғоққа ҳам етдик, — деди секин Бобоев.

Разведкачилар ҳеч сездирмай душман мудофаасининг биринчи линиясига яқинлашдилар. Окоплар ва траншеялар кўринди. Шу ерда разведкачилар уч группага бўлиниб, илгаридан белгиланган план бўйича уч томонга қараб йўл солдилар.

Бобоев беш жангчини олиб штурмчи отрядларимиз ўтадиган жойга борди. Разведкачилар душманнинг ҳар бир ҳаракатини тинмай кузатиб турдилар, ўт очиш нуқталарини ҳисобга олдилар, окоп, траншеялар қаерларга ясалганини белгиладилар.

Барча маълумотлар тўплангандан сўнг тонг ёришганда разведкачилар бошқа группалар билан учрашув учун белгиланган жойга жўнашди. Бироқ Бобоевнинг группасини немислар кўриб қолиб, ота бошладилар.

Бобоев жанг қилишга, ташаббусни қўлга олиб, немисларнинг жанговар тартибини саросимага, ваҳимага солишга қарор этди. Икки жангчини донесение билан жўнатиб юборди-да, ўзи қолган уч жангчи билан душман траншеясига босиб кирди, окопларга гранаталар ирғитди. Душманнинг олти қўл пулемётини яксон этдилар.

СОВЕТ ИТТИФОКИНИНГ ҚАҲРАМОНИ

ТЎХТАСИН БОБОЕВ

Эси-ҳушини йиғиб олган ўнта немис тўрт совет жангчисига ташланди. Қўл жанги бошланиб кетди. Немисларнинг бир қисмини найза санчиб ўлдирдилар, қолганларининг бошини қўндоқ билан мажақлаб ташладилар. Немис взводининг маррасини тўрт совет жангчиси эгаллаб олди. Разведкачилар взводининг бошқа группалари ҳам етиб келди. Душман қарши атакага ўтди. Бу атака қайтарилди. Душман яна қисувни кучайтирди. Бобоев ўз разведкачилар взводи билан душман окоплари ва траншеяларида бир ярим соат жанг қилди. 16 немис ўлдирилди ва бир неча душман пулемёт пунктлари яксон этилди.

Шу хилда Бобоев душманнинг диққатини ўзига жалб этиб, штурмчи отрядларимизнинг дарёдан кечиб ўтишини осонлаштирди. Совет жангчиларининг взводлари бирин-кетин ўнг қирғоққа ўтиб, душман мудофааси линиясига ташландилар ва жангга қўшилдилар.

Туш вақтида немислар орқадан янги кучлар келтириб, кучли қарши атакага ўтишди. Бобоев ўз жангчилари билан ўнг томонда (флангда) эди. Атрофда снарядлар, миналар портлар, пулемётлар ўқ ёғдирар эди. Қўл пулемёти ва автоматлар билан қуролланган немисларнинг катта бир тўдаси йўл-йўлакай ўқ узиб, разведкачилар томонига ҳамла қилиб келишаверди. Тўхтасин Бобоев пулемёти билан олдинга силжиб чиқди-да немисларга қаратиб қақшатқич ўт очди. Кутилмаган ҳолда орқадан бир неча ўқ визиллаб ўтди. Бобоев орқадан немислар ўрмалаб келаётганини кўриб, икки граната ирғитди, гитлерчилар ер тишлаб қолишди. Душманнинг қарши атакаси қайтарилди.

Бобоев «Ура! Ватан учун!» деб қичқириб, душман мудофаасининг иккинчи линиясига югурди. Ундан илҳомланган барча жангчилар илгари югурдилар. Немислар орасида саросима бошланди. Душман ваҳимага тушиб, қурол ва ўқ-дорисини ташлаб қочди.

Бобоев ва унинг жангчилари эгалланган маррани уч кун ҳимоя этиб, тинмай жанг қилишди. Душман, энди совет жангчилари уч кунлик урушдан сўнг чарчаб қолган бўлсалар керак, деб ўйлаб янги кучлар билан бир неча карра қаттиқ қарши атака қилди ва шу билан бизнинг бўлинмаларимизни суриб, дарёга ташламоқчи бўлди. Душманнинг сўнгги қарши атакаси жуда шиддатли эди. Аммо гитлерчиларнинг янги кучлари, даҳшатли ўт очишлари ҳам совет жангчиларининг иродасини буколмади, баҳодир жангчиларимиз қўмондонликнинг буйруғини охиригача бажариб, ишғол этилган позицияни маҳкам ушлаб турдилар. Бобоев немисларни яқин келтириб пулемётнинг сидра ўқлари билан қира берди. У мина парчаси тегиб ярадор бўлса-да, жанг майдонини ташлаб кетмади, аксинча, яна зўр ғазаб билан олишди. Душман сиқувни кучайтирди:

— Бир қадам ҳам орқага қайтиш йўқ! Кетда қарт Днепр турипти! Фақат олға! — деб команда берди Бобоев ва биринчи ўзи атакага ташланди.

Олдинда чопиб бораётган ярадор командирни кўрган жангчилар «Ур, газандаларни! Командиримизнинг қони учун!» — деб қичқирдилар ва найза, қўндоқ билан немисларга қирон келтирдилар.

Бу жангда Бобоев группаси енгди, соғ қолган немислар тумтарақай бўлишди.

Шу маррада душманнинг қаршилигини синдириб, бизнинг бўлинмаларимиз ғарбга қараб тағин силжидилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан кичик сержант коммунист Тўхтасин Бобоевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

ЖАНГЧИ ЎЗБЕКЛАР!

Ҳамшаҳарингиз қаҳрамон коммунист Бобоевдек баҳодирлик, мардлик ва моҳирлик билан жанг қилингиз!

Бизнинг шонли қўшинларимиз душманни ғарбга қувиб бораётирлар. Ғарбдан ва жанубдан немисларни иттифоқчиларимиз уриб қақшатаётирлар. Яралган фашист йиртқич ҳайвони ўз уясига қочмоқда.

Бизнинг артиллериямиз душманнинг уясини яксон этмоқда. Яқинда бизнинг танкларимиз немис ерининг чангини осмонга кўтаражаклар.

Жангчи! Немис йиртқич ҳайвонга бир минут ҳам тиним берма. Қув уни ва ўз уясида янчиб тугат!

* * *

ЎҚИБ, ЎРТОҒИНГГА БЕР!

Қизил Армиянинг Бош Сиёсий Бошқармаси.

ЭСЛАТМА: истеъфодаги кичик лейтенант Т. Бобоев ҳозир Оҳангарон шаҳридаги Центральная кўчаси, 1-тупик 21-уйда истиқомат қилмоқда.

• Немис босқинчиларига ўлим!

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Содиқ Алиназаровнинг ҳикояси

Ўртоқ жангчилар!

Содиқ Алиназаров бизнинг ҳамшаҳримиз. У Тошкент областининг Паркент районидан. 1943 йилнинг 17 октябрида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Алиназаровга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Бундай улуғ унвонга қандай лойиқ бўлганлиги ҳақида пастда унинг ўзи ҳикоя қилади. Қани ўртоқлар, қаҳрамонимизнинг ҳикоясини тинглайлик.

«...Бу воқеа тунда юз берди. Биз аллақачон Днепрнинг ўнг қирғоғига ўтиб олган эдик. Немислар тўхтовсиз қарши атака қилар эдилар. Биз жуда оз эдик, кичик штурмчи отряддан иборат эдик. Шунга қарамай ишғол этган маррага жуда маҳкам тирмашиб олдик. Қоронғи тун бўлса ҳам, немислар баландликда бўлгани учун ҳаракат қилувчи ҳар бир фрицнинг гавдаси яққол кўриниб турар эди ва бизнинг мерганлик билан узган ўқимиз уларни ўлимга дучор қилаверди. Бироқ, душман қарши атакасини давом эттирди. Бизнинг ўқимиз тугаб қолди. Жангнинг энг шиддатли пайти келди: найзабозлик, қўл жанги бошланди. Бу ерда ботирлик ва моҳирлик билан ҳаракат қилмоқ керак.

Уруш даврида куракча билан ҳаракат қилишни яхши ўрганиб олдим. Бу фойда берди. Мен куракчани маҳкам ушлаб олиб, у билан ўнгдан ва сўлдан, олдиндан ва орқадан келган немисларнинг миясига қарсиллатиб солавердим. Куракча билан немисларнинг найзаларини ҳам қайтаравердим. Бир хўкиздай фриц найзасини тўғри кўкрагимга ўхталиб келди. У узун укол билан найза санчиб, менинг кунимни калта қилмоқчи бўлди. Мен унинг найзасини ўнгга қайтариб, куракча билан бошини ёриб ташладим. Дўстларим ҳам фрицларни найза санчиб, қўндоқ ва куракча билан уриб додини берар эдилар. Жанг майдони фашистларнинг ўлиги билан қопланди. Немислар чекиндилар.

Ўнг томонимизда ниқобланган немис станокли пулемёти борлигини сезиб қолдим. Бу запасдагиси бўлса керак, деб ўйладим, тонг отиши билан немислар бу пулемётдан тўсатдан ўт очмоқчи. Пластунчасига, товуш чиқармай у пулемёт турган жойга эмаклаб бордим. Қарасам, икки немис солдати мудраб ўтиришипти. Ўйладим: қўлимдаги куракча билан биттасини ўлдираман-ку, шу вақтда иккинчиси мендан илгари ҳамла қилиб қолиши мумкин. Яна яқинроқ бордим. Улардан беш қадамгина йироқдаман. Биттасининг қўлида тўппонча бор. Чаққонлик билан бир ирғидим-да, зарб билан бошига уриб ҳалиги немисни қулатдим. Унинг қўлидаги тўппончасини тортиб олиб, иккинчи немисни ҳам отиб ташладим.

Ўлжа пулемёт билан немисларнинг қарши атакаларини яна қайтаравердик. Патронли ленталар етарли эди. Тонг отиши билан бизнинг бўлинмаларимиз дарёдан кечиб ўта бошлаганларида, тўсатдан чап томондан немис станокли пулемёти ўқ ёғдириб қолди.

— Содиқ! — деб чақирди мени командир.

СОВЕТ ИТТИФОКИНИНГ ҚАҲРАМОНИ

СОДИҚ АЛИНАЗАРОВ

— Бу сенинг «ризқинг». Душман пулемётчиларининг кунини тез калта қилишга сен устасан. Бор!

Мен ўз командиримнинг ишончини оқладим. Бир неча минутдан сўнг душманнинг станокли пулемёти мажақланди. Бу сафар фашист пулемётчисини бўғиб ўлдирдим. Ўлжа қилиб олинган иккинчи пулемётнинг ўти ҳам немисларга томон жўнатилди. Бизнинг қисмларимиз Днепрдан муваффақиятли ўтиб, ҳужумни давом эттирдилар.

Биз Днепр ўнг қирғоғидаги украин қишлоғига кирдик. Ёниб кул бўлган уйларни, ранги заъфарон оқ соч хотинни ва унинг қўлидаги ўласи бўлиб қолган гўдакни кўрганимда ҳалқимнинг накази ёдимга тушди:

«Руснинг уйи — сенинг уйинг, украин ва белоруснинг уйи сенинг уйингдир! Чунки, СССР шундай бир иттифоқ оиладирки, бу оиланинг ҳар бир аъзоси ўз ҳонасида турса ҳам, ҳовли ва қўра, тирикчилик ва рўзғор жиҳатидан шерикдир... Бу ҳовлида биронта уй куйиб, бирон биродаримиз ўз хонасидан маҳрум бўлган бўлса, бу кетган ва йўқолган уйни қардошларимизга қайтариб бериш, оила аъзоларининг сонини камситмаслик сенинг вазифангдир, эй ўзбек жангчиси!»

Биз, Ўзбекистон ўғиллари ўз халқимизнинг наказини бажариб, бутун совет халқининг озодлиги ва бахти учун жанг қилаётирмиз, ҳаммамизники бўлган умумий еримизни фашист ваҳшийларидан тозалаётирмиз. Биз жонажон украин ери бўйлаб Ғарбга бормоқдамиз, бизга ғалла-нон берган ва бундан кейин ҳам беражак қадрдон еримизни душмандан озод этаётирмиз. Биз, минглаб тракторлари Ўзбекистон пахта далаларида ишлаётган Харьковни озод қилдик. Озодлиги ва бахтига ҳам шерик бўлган украин ва белорус қардошларимизни қутқараётирмиз. Мана шу олижаноб мақсад мени ботир қилди ва қаҳрамонлигим ҳам шу мақсаднинг самараси бўлди».

Жангчи ўзбеклар! Душманни уришни Қаҳрамон Алиназаровдан ўрганингиз. Фашист жаллодларини киринг из ва уларни жонажон еримиздан ҳайдангиз. Унутмангизки, немисниг кўкрагига санчилган ҳар бир ўқ бизнинг узил-кесил ғалаба қилиш соатимизни, умумий тантана соатимизни яқинлаштиради.

Ғалабаларимизнинг тантанаси учун олға!

* * *

ЎҚИБ, ЎРТОҒИНГГА БЕР!

Қизил Армиянинг Бош сиёсий Бошқармаси.

ЭСЛАТМА: Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Алиназаров 1969 йилда Фрунзе шаҳрида вафот этган.

БЕШ ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

УЛАР ҒАЛАБА ПАРАДИДА ҚАТНАШАДИЛАР

● ЭРТАГА Москвада Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ўтказилишига сўнгги ҳозирлик кўрилди. Унда Ўзбекистоннинг беш ўғлони ҳам қатнашади. Улар 1945 йилги Ғалаба паради қатнашчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уч марта Шуҳрат ордени соҳиблари, партизанлар, фронт орқаси меҳнат фидойилари билан бир сафда турадилар. Муҳбиримиз Москвага телефон қилиб, СССР Мудофаа министрлигининг ходимлари ёрдамида Ғалаба парадида қатнашадиган беш ўзбек ўғлони билан боғланди ва уларнинг қувонч сўзларини ёзиб олди.

Мадамин РАЖАБОВ, 1945 йилги Ғалаба паради қатнашчиси:

— Уруш тугаганидан кейин мени Москвада бир неча ойга олиб қолишди. 1945 йилнинг ёзи бошланишида Москва ҳарбий парадида жанговар Совет Армиясининг ғолиб баҳодирлари сафида параддан ўтганман. Орадан шунча йиллар ўтди. Мен яна тинчлик пайтидаги тантанали парадда қатнашиш шарафига муяссар бўлиб турибман. Мени қувонч ва ҳаяжон чулғаган.

Боис ЭРГАШЕВ, Совет Иттифоқи Қаҳрамони:

— Улуғ Ватан уруши йилларида 3-Украина фронтининг 132-гвардиячи артиллерия полкида разведкачи бўлганман. 1943 йилнинг 26 октябрида қўшинларимиз Днепр дарёсини кечиб ўтаётганида душманнинг бир неча даҳшатли ҳамласини қайтарганмиз. Яккама-якка олишувда кўплаб аскарларини яксон қилиб, қуролларини ўлжа олганман.

Ғалаба байрами паради арафасида кўплаб фронтдош дўстлар билан топиштим, улар билан ўртоқлашдик, жанг хотираларини ва тинчлик даврининг яхши кунларини эсладик.

Мўмин САЛОМОВ, уч марта Шуҳрат ордени соҳиби:

— Мен урушни Сталинград остоналаридан бошлаб, Эльба дарёсида тугатганман. Ўшанда совет аскарлари АҚШ аскарлари билан дўстона учрашганлигининг гувоҳи бўлганман.

Ватан жанговар фарзандлари жаросатини унутмади. Ҳамиша ҳурматимизни бажо келтирмоқда. Бу адолатли курашда муқаддас Ватанни мардона ҳимоя қилганлигимиз билан ҳам фахрланамиз.

Толиб СОДИҚОВ, меҳнат ветерани:

— Уруш йилларида шаҳримизга кўчириб келтирилган ҳозирги «Ташсельмаш» заводида фронт учун ўқдорилар тайёрлаганмиз. Кечани-кеча демай, тинним билмай меҳнат қилардик. Ўшанда оғир кунларни енгиб, эзгулик сари интилганмиз. Тошкент бутун чора-тадбирлар билан фронтга, Совет Армияси қўшинларига муносиб мадад бериб турган.

Обид ИБРОҲИМОВ, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси:

— Урушнинг энг оғир кунларида бу корхона ташкил этилиши ва унинг ишга туширилишига гувоҳ бўлганман. Биз ҳарбий самолётларнинг қисмларини тайёрлаганмиз. Корхонамиздан чиққан пўлат қанотли қушлар Берлингача бўлган барча жангларда қатнашган.

Биз ҳарбий парадга ҳозирлик кезлари Тошкентнинг, қолаверса бутун Ўзбекистон меҳнаткашларининг уруш йилларида фронтга берган муносиб ёрдами ҳақида кўпроқ ўйладик.

А. ПУЛАТОВ.



Фронтдан ёзилган мактублар.

ҚУРОЛДОШ ЖАНГОВАР ДЎСТЛАР

Адир хатто киприкларини ҳам қоқмай диққат билан кузатмоқда. Ўткир кўзли Адир ўт очиш позициясидан унча узоқ бўлмаган жойда, душман томонида бўлаётган ғивир-шивирларни сезиб қолди.

— Хумпар босқинчилар! — деди тишларини ғижирлатиб Адир, — алдай олмайсан, лаънатилар! Сенинг ҳийла-макрларинг бизга аён. Бизни ғафлатда қолдиролмайсан!

Шундан кейин ёш қозоқ йигити, тўп командири Адир Ўрнабеков ўз расчетидаги жанговар дўстларига қараб бундай деди:

— Фронтдош ўртоқлар! Бизнинг ўртамизда қозоқлар ва ўзбеклар, руслар ва ёқутлар, татарлар ва поляклар бор. Бизнинг ҳаммамиз Ватанимиз солдатларимиз. Ҳаммамиз бир улуғ онланинг аъзосимиз. Ҳаммамизнинг фикри-зикримиз битта: немис босқинчиларини тезроқ тор-мор қилиб, муқаддас Ватанимиз тупроғидан қувиб чиқаришдир. Биз шу турган жойимизда ўлсак-ўламиз, аммо душманни бир қадам ҳам олдинга жилдирмаймиз.

Сал ўтмай душман устма-уст қутириб, уч марта контратака қилди. Лекин мард совет тўпчилари заррача ҳайиқмадилар. Улар ўз тўпларини очиқ жойга судраб чиқиб, рўпарага ўрнатиб фашистлар устига селдек ўқ ёғдирдилар. Фрицлар қатори сийраклашиб бораверди. Жанг майдонида душманнинг 80 солдат ва офицернинг жасади қолиб кетди.

Автомат овозлари, тўпнинг гумбирлашлари тўхтади. Тўп командири Ўрнабеков пешона терларини артди-да, қўли билан немисларнинг мурдаларини кўрсатиб деди:

— Юртимизга нфлос қадамини босган ҳамма душманларнинг тақдири мана шундай бўлади.

Жангдан кейин Адир ўзининг узоқ Қозоғистонини кўз ўнгига келтирди. Унинг кўз олдидан кенг саҳролар, далалар, ўзи урушгача меҳнат қилган жонажон колхози кино лентаси сингари бирин-кетин ўтди, уруш унинг гражданлик касбини ўзгартириб юборди. У ҳозир даҳшатли тўп ёнида. У гвардиячи сержант, командир. Унинг ёш қалби манфур душманга нисбатан чексиз ғазаб ва нафрат ўтлари билан тўлиб-тошган. У она-Ватан учун, ўзининг жонажон Қозоғистони учун, ўз колхози учун ва ўз оиласининг бахти-саодати учун мардона жанг қилмоқда.

Татар Абдул Маъсумов, ўзбек Ражаб Қурамбоев, ёқут Петр Необутов, поляк Станислав Станишевский ва рус Егор Алексеевлар ҳам қонли кураш майдонида кеча-кундуз унинг билан бирга.

Тўп расчетидагилар жуда иттифоқ. Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда улар қойил қоларли мардликлар кўрсатмоқдалар. Тўп расчети жангга яқиндагина кирган бўлишига қарамай, биринчи жангдаёқ душманнинг бир танк, танкка отадиган 6 тўп, 8 пулемёт нуқтаси, ўқ-дори ортилган 3 автомашинасини яксон қилди. Жаҳаннамга киргизилган фрицлар бўлса сон-саноқсиз.

Немис босқинчилар қардош республика халқлари ўртасида низо туғдирмоқчи эдилар. Лекин улар чучварани хом санадилар. СССР халқларининг дўстлиги уруш ўтида тобланди, монолитга айланди. Бу халқларнинг дўстлигини бузадиган куч оламда йўқ ва бўлмаяжак.

Гвардия капитани

Л. ХАЙМОВИЧ.

«Ватан шарафи учун» газетасидан, 1944 йил, 25 март.

ОФИЦЕР ПОПОВ ВА УНИНГ ЖАНГЧИЛАРИ СИНГАРИ ОЛИШИНГИЗ!

ВАТАН ШАРАФИ УЧУН

25 МАРТ 1944 йил

ОЛИЙ БОШҚУМОНДОННИНГ БУЙРУҒИ

Совет Иттифоқи Маршали КОНЕВГА

ЎН СОВЕТ БАҲОДИРИ

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 10064. № 105. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12